

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛТЕТИ

“САНЪАТ ВА МУХАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ”

КАФЕДРАСИ

**“ХОР СИНФИДА КЎП ОВОЗЛИ КУЙЛАШГА ЎРГАТИШ
МЕТОДИКАСИ”**

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: “Муסיқа таълими” таълим
йўналиши битирувчи 4 курс
талабаси Холматова С.

Илмий раҳбар:

“Педагогика ва психология”
кафедрасининг доценти,
п.ф.н. Эргашев Р.

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки химоядан ўтди

10 - сонли баённомаси “30” май 2012 йил

Гулистон – 2012

МУНДАРИЖА

К И Р И Ш.....

I боб. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР ХОР ЖАМОАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ - ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ.....

- 1.1. Ўқувчиларни хор бўлиб куйлашга ўргатишнинг таълимий, тарбиявий,
ривожлантирувчи аҳамияти.....
- 1.2. Ўқувчиларни хорда куйлашга ўргатишнинг шакл, восита ва
усуллари.....

II-боб. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР ХОР ЖАМОАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ.....

- 2.1. Мактаб “Муסיқа маданияти” дарсларида ўқувчиларни хорда
куйлашга ўргатиш методикаси.....
- 2.2. Синфдан ва мактабдан ташқари шароитларда ўқувчилар хор
жамоаларини ташкил этиш йўллари

УМУМИЙ ХУЛОСА ВА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР..

Ф О Й Д А Л А Н И Л Г А Н А Д А Б И Ё Т Л А Р.....

К И Р И Ш

Муаммонинг долзарблиги. Мамлакатимиз ўқувчи-ёшларини юксак маънавиятли, маданиятли, комил инсонлар этиб шакллантиришда миллий ва умумбашарий қадриятлар, халқимизнинг бой мероси, мусиқа санъатининг тарбиявий имкониятларидан оқилона фойдаланиш узлуксиз таълим тизими олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Ўшбу машаққатли вазифани ҳал этишни давлатимиз ва халқимиз умумтаълим мактаби мусиқа ўқитувчи-тарбиячисига ишониб топширган.

Президент И.А.Каримов бежизга: “Энг муҳими, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда”, - деб айтмайдилар.¹

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда узлуксиз равишда Шарк тароналари, турли хил кўрик танловлари ўтказилиб туради, болалар мусиқа ва санъат мактаблари моддий-техник базасини такомиллаштириш тўғрисидаги давлат дастурлари қабул қилинди ва бошқа чора-тадбирлар қилинмоқда. Ҳақиқатда ҳам азалдан мутафаккирларимиз таъкидлаганидек, мусиқа маданияти инсон руҳий оламига беқиёс даражада таъсир этади.

Умумий ўрта таълим мактаби мусиқа маданияти дарслари ҳақиқатда ҳам таълимий, тарбиявий, ҳар тамонлама ривожлантирувчи аҳамиятга эга бўлиб, унинг мазмунидан кўзланадиган асосий мақсад ҳам ўқувчиларда

маънавий маданиятнинг муҳим таркибий қисми бўлган мусиқа маданиятини шакллантиришдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, умумий ўрта таълим мактабларида олиб бориладиган мусиқа маданияти дарслари ўзига хос тузилмага эга: мусиқа тинглаш, жамоавий (хорда) куйлаш, мусиқа соводхонлиги, мусиқага хос ҳаракатлар бажариш, болалар мусиқа асбобларида чалиш, ижодкорлик каби фаолиятларни ўз ичига олади. Ўқув дастури мазмунидан жой олган миллий ва умуминсоний муסיкий кадриятлар ўқувчиларни нафақат бой мусиқа меросимиздан баҳраманд этиш, балки улар воситасида муסיкий соводхонлигини ошириш, маънавий-ахлоқий дунёқарашларини бойитиш, бадиий-эстетик дидларини шакллантириш, ўз ватанига, юртига, халқига, миллий ғоя ва миллий мафкурага нисбатан онгли муносабатда бўлишларини таркиб топтириш, шахсни жисмоний, физиологик, руҳий, ақлий, маънавий, ахлоқий, эстетик жиҳатдан ривожлантиришдан иборат.

Президентимиз таъбири билан айтганда: “...агар инсоннинг қулоғи енгил-елпи, тумтоқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас”.²

Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари Абу Наср ал Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Кайковус, Аҳмад Югнакий, Шайх Нажмиддин Кубро, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва бошқалар мусиқа санъатининг инсон руҳиятига, унинг маънавий-ахлоқий дунёсига, физиологик ва жисмоний ривожланишига таъсир этиши ҳақида бугунги кунда ҳам аҳамиятга эга бўлган фикрларни олға суришган. Ўзбек халқи узок асрларга бориб тақаладиган бой мусиқа мероси жанрларига эга бўлиб, улар халқимиз орасида ўз вазифасини юксак даражада ўтаб келмоқда.

Умумий ўрта таълим мактаблари муסיқа маданияти ўқув дастувлари, дарсликлар мазмунида ўзбек ва бошқа халқларнинг кўшиқларига, уларнинг

хар хил тур ва жанрларига кенг жой ажратилган бўлиб, улардан унумли фойдаланиш орқали ўқувчиларда мусиқа маданиятига нисбатан кизиқишларини ошириш, кўзланган таълимий-тарбиявий-ривожлантирувчи мақсадларга эришиш ўқитувчи маҳоратига, ўқув-тарбиявий жараён ҳамда дарсдан ташқари хор тугаракларини тўғри ташкил эта олишига, замонавий восита ва усулларни қандай қўллай олишига боғлиқ.

Ўқувчиларда мусиқий таълим ва тарбияни амалга оширишда жамоа бўлиб куйлаш муҳим ўрин тутади. Жамоа бўлиб куйлаш ўзига хос хусусиятлари, жозибаторлиги, ҳаммани ўзига жалб этиши,

¹ И. Каримов. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, 141 б.

И. Каримов. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, 143 б.

кизиқарлилиги билан ажралиб туради.

Таълимий нуқтаи назардан ўқувчиларнинг жамоа бўлиб куйлашлари, уларда мусиқий соводхонликни шакллантиради, ДТС талабларини бажаришга хизмат қилади.

Тарбиявий нуқтаи назардан эса улар орқали ўқувчиларда миллий ғурур, маънавий-ахлоқий хусусиятлар, эстетик ва бошқа шахсий фазилятлар шакллантирилади. Хорда куйлаш жараёнида ўқувчиларда мусиқий қобилиятлар, мусиқани идрок этиш кўникма ва бадиий тафаккур этиш қобилиятлари, нафас олиш йўллари ва ўпка кенгайди, нутқ оппарати ва талаффуз этиш органлари, жисмоний сифатлари ривожланади.

Кейинги йилларда мусиқа таълими ва тарбияси , билан педагогик муаммо сифатида кўпчилик тадқиқотчилар шуғулланмоқдалар (Бегматов С., Иброҳимов О., Каримова Д., Мамиров Қ., Мансуров А., Нурматов Х.,

Норхўжаев, Омонуллаев Д., Садиров Ж., Тўраназаров Н., Қодиров Р., Файзиева О., Шарипова Г. ва бошқалар).

Умумтаълим мактабларида мусиқа дарсларининг мазмуни, унга кўйиладиган умумий талаблар, унинг тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, уни ташкил этиш шакллари, восита ва усуллари юқорида қайд этилган олимлар томонидан ишлаб чиқилган бўлсада, лекин ўқувчиларнинг кўп овозли хор жамоаларини ташкил этиш, уларнинг таълимий ва тарбиявий, ривожлантирувчи аҳамияти алоҳида муаммо сифатида ўрганилганича йўқ. Амалиётда ҳам ушбу муаммо, мусиқа тарбиясининг бошқа кўплаб муаммолари қатори ўзининг тўлақонли ечимини топмаган.

Битирув малакавий ишимизнинг **мавзусини** “Хор синфида кўп овозли куйлашга ўргатиш”, деб шакллантирдик. Тадқиқот **мақсадимиз** умумтаълим мактаби ўқувчиларини кўп овозли куйлашга ўргатиш шарт-шароитлари ва йўллари аниқлашдан иборат.

Тадқиқот **объектини** – мусиқа маданияти таълим-тарбия жараёни, **предметини** – ўқувчиларни кўп овозли куйлашга ўргатиш мазмуни, шакл ва усуллари этиб олдик.

Муаммонинг мақсади, объекти ва предметдан келиб чиқиб қуйидаги тадқиқот **вазифалари** белгилаб олинди:

1. Ўқувчиларни хор бўлиб куйлашга ўргатишнинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи аҳамиятини белгилаб олиш.
2. Мактаб ўқувчиларини хорда куйлашга ўргатишнинг шакл, восита ва усуллари аниқлаш.
3. Ўқувчиларни хор синфида кўп овозли куйлашга ўргатишнинг методикасини тажрибада синаб кўриш..

4. Тўпланган назарий-услубий ва амалий тажрибалар асосида услубий тавсиялар бериш.

Битирув малакавий ишимизнинг **янгилиги** шундаки, тизимли ва ижодий ёндашган ҳолда унда муаммога доир адабиётлар таҳлил этилган, кўп овозли ўқувчилар хор синфини ташкил этишнинг мазмун-моҳияти очиб берилган, унинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи аҳамияти, ўқувчиларни кўп овозли хорда куйлашга ўргатишнинг шакл, восита ва усуллари аниқланган.

Тадқиқот материалларимизнинг **амалий аҳамияти** шундаки, ундаги услубий кўрсатмалардан умумтаълим мактаби мусиқа ўқитувчиси, жумладан, шу предметнинг бўлажак ўқитувчиси мусиқа маданияти дарслари ва дарсдан ташқари шароитларда ўқувчиларни хор синфларида кўп овозли бўлиб куйлашга ўргатишда фойдаланиши мумкин.

Битирув малакавий иши ўз тузилишига кўра, икки боб, унинг тўрт фасли, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I боб. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР ХОР ЖАМОАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ - ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Ўқувчиларни хор бўлиб куйлашга ўргатишнинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи аҳамияти

Мусиқа фанининг ўзига хослик томонларидан бири шундаки, у мусиқий нутқнинг турли-туман элементлари билан баҳс этади. Ўқувчи нота ёзувини ўрганса, нотага қараб куйлаш, чолғу асбобида куй ижро этиш ёки мусиқа, куй яратишни билади нота ёзиш ёки ёзуви ҳам нутқда имло

товушларини ёзиш, ўқиш мумкинлиги каби инсоният маънавий тафаккурининг мўжизаларидан биридир. Тилшуносликнинг қонун-қоидаларини билиб олмасдан туриб, ажойиб маърузалар, шеърлар, ҳикоялар ёзиш мумкин бўлмаганидек, нота ёзувини муסיқий нутқнинг қонун-қоидаларин ўзлаштирмасдан бирор оҳангни ёзиб олиш, куй ва қўшиқни ижро этиш мумкин эмас.

Ўқувчиларни хор бўлиб куйлашга ўргатишнинг таълимийлик негизида «Муסיқанинг элементар назарияси» фани жуда катта роль ўйнайди. «Муסיқанинг элементар назарияси» нота ёзуви, муסיқанинг асосий элементлари, товуш, товушқатор, аккордлар, тоналликлар, ритм, метр, динамика, тембр, мелизм кабиларни ўргатади. Қайд этилган муסיқий элементлар ўқувчиларни хор бўлиб куйлашида муҳим аҳамиятга эгаллиги билан бошқа элементлардан ажралиб туради.

Хор бўлиб куйлашда муסיқий товушларнинг хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга. Муסיқий товушларнинг тўрт хил физик хусусияти бор. Улар: баланд-пастлик, узун-қисқалик, қаттиқ-секинлик ва тембрдан иборат. Муסיқада, яъни хор бўлиб куйлашда товушнинг чўзими ҳам ката аҳамиятга эгадир, товушнинг узун ёки қисқалигидан унинг физик характери ўзгармайди, аммо муסיқий нуқтаи назаридан товушнинг чўзими унинг яна бир хусусияти бўлиб, у муҳим аҳамиятга эгадир.

Муסיқий товушларнинг ҳар бир хусусиятига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтадиган бўлсак, биринчи навбатда товуш баландлиги тебранаётган жисмнинг тебраниш тезлиги, яъни частотасига боғлиқ эканлигини айтиб ўтиш жоиздир. Куйлашда тебраниш қанчалик тез бўлиб турса, товуш шунчалик баланд бўлади, яъни куйлаётган овоз тебраниши тезлиги унинг шунчалик баланд эшитилишига эга бўлиш мумкин. Куйланаётган товушнинг қаттиқлиги тебраниш харакатининг кучига, яъни товуш манбаи бўлган жисмнинг тебраниш кенглигига боғлиқдир. Куйланаётган овознинг тебраниш харакатлари бўлиб турадиган фазо доираси тебраниш амплитудаси, яъни

кенглиги деб аталади. Куйланаётган овознинг тебраниш амплитудаси қанча катта бўлса, товуш шунчалик қаттиқ эшитилади.

Куйланаётган товушнинг сифат хусусияти, унинг ранг-баранглигига тембр деб айтилади. Тембр хусусиятларини ифодалашда ҳис-туйғуларга таалукли турли иборалар қўлланилади. Масалан: майин, кескин, йўғон, жарангдор, куйчан товуш. Маълумки ҳар бир чолғу асбоби ёки киши овози ўзига хос тембрга эга. Эрақ кишиларнинг овози аёллар овозидан ўз хусусияти билан фарқ қилади ёки хилма-хил чолғу асбобларидан эшитиладиган маълум бир баландликдаги товушлар ўзларига хослиги билан бир-бирларидан фарқ қилади, ҳатто бир жинсдаги кишиларнинг овозлари ҳам ўз ранг-баранглиги билан фарқланади.

Куйланаётган овоз тембрининг фарқланиши ҳар бир товушга хос бўлган юқори тонларнинг таркибига боғлиқдир.

Юқори тонлар, яъни обертонлар товуш тўлқинларининг мураккаб шакли натижасида юзага келади.

Товуш чўзими товуш манбаи тебранишининг давомийлигига боғлиқ. Товуш чиқа бошлаганда товуш манбаининг тебраниши қанчалик кенг бўлса, товушнинг пасайиб бориши ҳам шунча давом этади. Бундай ҳолда товуш манбаи эркин тебраниши шарт.

Куйланаётган овоз тебранаётиб тенг бўлақларга бўлиниши натижасида товуш тўлқинларининг мураккаб шакли ҳосил бўлади, жисмнинг умумий тебраниши жараёнида бу тенг бўлақчалар алоҳида тебраниб, ўзининг узунлигига мувофиқ келадиган қўшимча тўлқинлар ҳосил қилади. Шу йўсинда юқори тонлар қўшимча тебраниш натижасида ҳосил бўлади. Юқори тонларнинг баландлиги ҳар хил бўлади, чунки уларни ҳосил қиладиган тебраниш тезлиги турличадир.

Муסיқа асарларини куйлашда альтерация белгилари ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўн икки тенг температура қилинган системанинг етти диатоник босқичи фортепианонинг оқ клавишлари мос келади ва улар асосий босқичлар ҳисобланиб, ўз номларига эгадир. Бошқа товушлари кўп ҳолларда,

яъни фортепиано клавиатурасида улар қора клавишларга мос келади. Шундай ҳолларда улар ҳосила босқичлар ҳисобланади. Улар билан ёнма-ён жойлашган асосий босқичларни ярим тон, бир тон кўтариш ёки пасайтириш натижасида ҳосил бўлади. Альтерация белгилари нота йўли чизиқлари ўртасига, шунингдек калитларнинг ўнг томонида, лозим бўлганда ноталар олдида ёзилади.

Калитдан кейин қўйилган альтерация белгилари калит альтерация, ноталар олдида қўйиладиган белги эса, тасодифий альтерация белгиси дейилади.

Диатоник босқичларни кўтариш ёки пасайтирилиши альтерация дейилади. Мазкур товушларни кўтариш ёки пасайтирилишини билдирувчи белгилар альтерация белгилари деб аталади. Муסיқа асарини куйлашда бу белгиларнинг аҳамиятлилик жиҳати жуда муҳимдир.

Куйланувчи муסיқий асарларда учрайдиган ҳамма товушлар ҳам ўз чўзими билан у ёки бу нотанинг чўзимида мос келмайди. Масалан, товуш саккизталиқ нотадан узунроқ, чорак нотадан қисқароқ ёки чорак нотадан узунроқ, ярим нотадан қисқароқ бўлиши мумкин. Бундай товушларнинг чўзими муסיқий асарни куйлашда ёки ижро этишда белгилаш учун товушларнинг чўзимини узайтирувчи махсус белгилар қўлланади. Нуқта, лига ва фермата белгилари шулар жумласидандир.

Нуқта - нотанинг ўнг томонидан қўйилади ва унинг чўзимини яримга узайтиради. Шунингдек, нуқтали нотадан ташқари икки нуқтали ноталар ҳам қўлланилади. Агар нота ёнидаги биринчи нуқта мазкур нота чўзимини унинг ярми миқдорида узайтирса, иккинчи нуқта яна чорак миқдорида узайтиради.

Лига (юнонча-боғлаш) - муסיқа товушини узайтирувчи белгидир. Лига ёй шаклида бўлиб, бир ҳил баландликдаги товушлар чўзимини боғлайди. Бундай чўзимлар давомийлиги уларнинг умумий миқдоридан ошмайди.

Лигаланган нота олинган товуш такрорланмайди, барча лигаланган ноталар чўзим вақтини узлуксиз давом эттиради. Лига ёрдамида ҳар қандай нотанинг садосини узайтириш мумкин.

Фермата (ит. тўхташ) – ўртасига нукта қўйилган ярим доира шаклида бўлиб, бу белги нотанинг устига ёки остига қўйилади ва товушнинг ноаниқ вақтгача узайтирилишини белгилайди. Ферматанинг давомийлиги мусиқа асарининг хусусиятига ва ижро усулига боғлиқ. Фермата белгиси устига қўйилган нотанинг чўзими икки марта ва ундан ортиқ ҳам бўлиши мумкин.

Ноталарнинг чўзимини узайтирувчи белгилар мусиқий асарни куйлашда муҳимлиги кўшиқнинг оҳангига таъсир қилган ҳолда эшитилиши бу белгиларнинг аҳамиятлилигини англатади.

Куйлашда яна паузалар ҳам муҳим аҳамият аксб этади.

Пауза (юн. тўхташ) – бир ёки бир неча ёки барча овозларга танаффус ёки тўхташдир. Пауза мусиқий тузилмани чегаралаш учун, мусиқий ифода таъсирини кучайтиришга хизмат этади, у мусиқанинг жонли қисми ҳисобланади. Пауза нота системасида махсус белгилар билан белгиланади. Паузаларнинг чўзими ноталар чўзимига тенг. Ҳар қандай чўзимдаги бутун, ярим, чорак, саккизталлик чўзимдаги ноталар каби паузалар ҳам шундай чўзимлар билан ифодаланиши мумкин.

Мусиқа асарлари (фортепиано, орган, хор, оркестр, ансамбл, овоз ёки (шаклли) якка соз учун) икки ва ундан ортиқ нота йўлларида ёзилади ва улар тўғри ёки шаклли қавс акколада (фр. accolader-қавс) деб аталади. Нота йўлида иккита мустақил овозни ёзиш мумкин. Бундай ҳолларда нота штиллари (таёқчалари) қарама-қарши томонга қаратилиб, ҳар бир овоз учун айрим-айрим ёзилади. Юқори овознинг штиллари юқорига, пастки овоз штиллари эса пастга қаратилган бўлади.

Икки ва ундан ортиқ нота йўллари бирлаштирувчи фигурали қавс акколада фақат фортепиано, орган каби чолғу асбобларга мўлжалланган мусиқа асарлари учун қўлланилади. Бошқа ҳолларда тўғри чизиқли қавс акколада ишлатилади.

Бир неча хор овозлар мусиқасида ижро этиш учун мўлжаллаб ёзилган мусиқа асарлари учун қўлланадиган акколада ёзилган мусиқа асари матни

партитура (юн. partes-партия, яъни жамоа бўлиб ижро этадиган чолғу гуруҳлари мусиқаси ёзилган матн) деб аталади.

Уч овозли хор мусиқаси икки ёки уч нота йўлида ёзилади.

Тўрт овозли хор мусиқаси алоҳида-алоҳида (болалар, хотин-қизлар, эркаклар хори) ва аралаш тартибли хор мусиқаси икки ёки тўрт нота йўли акколада билан ёзилади. Хор, торли квинтет, хилма-хил ансамбллар ва оркестрга мўлжалланган мусиқа ёзиш шакли партитура дейилади.

Мусиқа ижрочилигида, яъни ижрочилиги амалиётида нота ёзувини қисқартирувчи ёки соддалаштирувчи бир неча усуллар таркиб топди, улар ижросида мусиқа асарининг у ёки бу қисми такрорланган ҳолларда қўлланиладилар. Қуйидаги қисқартириш усуллари мусиқада кўпроқ ишлатилади.

Реприза (юн. reprise-қайтариш) – белгиси ижро вақтида мусиқа асарининг бирор қисми ҳеч қандай ўзгаришсиз қайтарилганда қўлланилади. Агар мусиқа асарининг бошланғич қисми қайтарилса, реприза белгиси мусиқа асари бошидан қайтарилишини билдиради.

Агар қайтарилувчи қисм қуйланувчи мусиқа асарининг ўртасида бўлса, реприза белгиси қайтариладиган бўлакнинг ҳам бошланишида, ҳам охирида қўйилади.

Вольта (ит. volta-бир маъносини ифодалайди) агар қайтарилувчи хотима (каденция) нинг қайтарилувчи қисми биринчи ва иккинчи марта ҳар хил бўлса, ундай ҳолларда ҳар иккала хотима ҳам ёзилади ва қуйидагича белгиланади. 1-ма вольта (прима вольта). 2 да вольта (секунда вольта). Яъни “биринчи марта”, “иккинчи марта” бу сўз кўпинча оддий 1 ва 2 рақам квадрат қавснинг остига қўйилади. Реприза белгиси бир марталик қайтариқдир. Кўп марталик қайтариқ, масалан, вокал мусиқасининг куплет (банд) ли шакли қайтариқлар миқдори вольтанинг остига рақамлар билан кўрсатилади. Агар кейинги куплет бошқача хотима бўлса, ундай вақтда у иккинчи вольтанинг остига куплет рақам белгиси билан ёзилади.

Da capo (ит. “бошидан”). Агар мусиқа асари ёки куйланувчи мусиқа асари уч бўлимдан иборат бўлса, унинг кейинги қисми айнан биринчи қисмнинг қайтарилиши бўлса, , ундай қайтарилиш ёзилмайди, унинг ўрнига: Da capo al Fine ёки қисқартирилиб, D.C. al Fine ёйинки оддий қилиб, Da capo (D.C) деб ёзилади, у “бошидан охиригача қайтариш” ни билдиради. Бунда Fine сўзи (тамом) қайтарилувчи қисмнинг охирида бўлади.

Сегно (ит. seno “белги”). Агар қайтариш мусиқа асарининг биринчи тактида бошланмаса, у қайтарилиши лозим бўлган жойда чизиб қўйилган лотинча S харфини эслатуви белги қўйилади.

Маълумки, мусиқа ҳаракат билан узвий боғлиқ. Бу ҳаракат (нафас олиш, юриш, меҳнат жараёни, рақс) нинг бир текислик хусусияти мусиқа ва садоланишни тартибга солишда катта аҳамиятга эга бўлди. Ҳар қандай ижро этилган мусиқа асари маълум вақтни эгаллайди. Бир бутун мусиқа асари ва унинг қисмлари орасида маълум бир вақт муносабати намоён бўлади. Бу муҳим вақт қонуниятининг намоён бўлиши мусиқа асарининг ритмига таъсир этади. Товуш ва паузаларнинг муайян тартибда боғланган чўзимлари бирлашиб ритмик туркум (усуллар) ҳосил қилади. Бундай ўзаро боғланиб, изчил келган товушлар ва паузалар ритм дейилади.

Мусиқада куйланувчи товушлар маълум бир вақт давомида ўзаро уюшадилар. Ана шундай товушлар маълум вақтда тенг ҳиссаларга бўлиниб, алмашилиб туриши мусиқада бир текис ҳаракатни ҳосил қилади. Товушларнинг бундай ҳаракати давомида айрим ҳиссалар урғуси ажралиб туради. Бундай урғулар зарб (акцент) дейилади. Зарб тушадиган ҳиссаалар кучли ҳиссалар, зарб тушмайдиган ҳиссаларни эса кучсиз ҳиссалар деб аталади. Кучли ва кучсиз ҳиссаларнинг бир текис алмашилиб туриши метр дейилади. Метр ҳиссалари хилма-хил чўзимларда бўлиши мумкин. Метр ҳиссасининг маълум бир чўзимдаги ифодаси ўлчов дейилади.

Нота ёзувида ўлчовлар остин-устин ёзилган икки рақам билан ёзилади. Остин-устин ёзилган рақамларнинг юқоридагиси метр ҳиссалари миқдорини англатса, остида ёзилган рақам ҳар бир метр ҳиссасининг қандай чўзимда

ифодаланишини англатади. Остин-устин ёзилган рақамлар калит ёнида альтерация белгиларидан сўнг қўйилади.

Ўқувчиларни хор бўлиб куйлашида мукамалликка эришиш учун мусикадаги куйлашда фойдаланиш мумкин бўлган барча мусиқий ифода воситаларини билиш катта ютуққа эришиш негизини таъминлайди.

Мусиқа асарлари ижроси жараёнида ўлчовлар алмашилиб туриши мумкин. Мусиқа асари давомида бундай метр ўлчовларининг ўзгариб туриши ўзгарувчан ўлчовлар дейилади. Ўзгарувчан ўлчовларни барча халқлар мусикасида, композиторларнинг асарларида, шунингдек ўзбек халқ ва профессионал мусикасида ҳам учратиш мумкин. Ўзгарувчан ўлчовларнинг ўзгариб, алмашилиб туриши текис ёки нотекис бўлиши мумкин. Агар ўлчовлар текис алмашилиб турса калит ёнига каср шаклида икки рақам қўйилади. Агар ўлчов алмашилиши нотекис бўлса, нота матнида ўлчовларнинг ҳар бир ўзгариши ёзиб қўйилади.

Синкопа (ит. юн. *suncore*-қисқартириш) – қаттиқ чалинадиган акцентли нотанинг одатдаги кучли ҳиссадан кучсиз ҳиссага кўчиши. Синкопа ритмда кутилмаган ўзгариш ва кескинлик пайдо қилади. Синкопа қуйидаги ҳолларда пайдо бўлади:

- а) бир матннинг сўнгги кучсиз ҳиссаси иккинчи тактнинг кучли ҳиссаси билан боғланиб келади;
- б) тактдаги кучли ҳиссалар кучлироқ ҳиссаларга қўшилади.

Синкопа мусиқа асарларида ритм ва метр зарбларининг бир-бирига тўғри келмай қолиб ритмдаги изчиллик бузилишидир. Синкопани мусикада кўплаб учратиш мумкин. У метрнинг кучсиз ҳиссасидаги товушнинг навбатдаги кучли ҳиссасида ҳам эшитилишидан ҳосил бўлади. Натижада зарб метр мана шу кучсиз ҳиссага ўтади. Метрнинг бирор ҳиссасида кучсиз даврга тўғри келган товуш бундан кейинги даврга келганда ҳам ўз кучини сақлайди.

Қўшиқ мусикаси учун мўлжалланган мусикада чўзимлар гуруҳланиши нутқ (қўшиқ) нинг бўғин таркибига боғлиқ бўлади. Бир бўғинга тўғри

келадиган айрим чўзимлар кўшни чўзимлар билан гуруҳ бўлиб бирлашмайди. Кўшиқ таркибидаги бир бўғинга бир эмас, бир неча товуш тўғри келганда, бу товушлар чўзими гуруҳланмайди, балки умумий қоида бўйича бирлаштирилади.

Муסיқа асарининг ижро ҳаракати тезлиги суръат (темп) дейилади. Суръат муסיқанинг ифода воситаларидан саналади ва у муסיқа асарининг мазмуни билан чамбарчас боғлиқ. Муסיқада суръатлар уч асосий гуруҳга бўлинади. Улар: вазмин, ўртача ва тез суръатлар. Суръатни белгилаш учун асосан италянча иборалар ишлатилади. Шу билан бирга сўнгги йилларда миллий композиторларнинг асарларида ва бошқа муסיқа адабиётларида ижрочилар тушунишини осонлаштириш учун суръатни миллий тиллардаги ибораларда ҳам қўлланила бошланди.

Ўқувчиларни хор бўлиб куйлашга ўргатишнинг тарбиявий жиҳати шундаки, ўқувчи шахсини кўшиқ куйлаши давомида муסיқий, ахлоқий, эстетик муносабатларга бўлган ижобий қарашларга эга бўлишидадир. Бунда биз фалсафий қарашларга ёндошган ҳолда фикрларимизнинг умумий жиҳатларини ёритиб беришимиз мақсадга мувофиқдир.

Муסיқий асарларни ижро қилиш ёки куйлаш ҳам санъат турларидан биридир. Санъатни атрофдаги воқеликни бадиий воситалар орқали билиш ва ўзлаштиришга қаратилган инсон маънавий фаолиятининг ўзига ҳос соҳаси сифатида ифодалаш мумкин. Санъат ижтимоий ҳодиса сифатида инсоннинг олий эҳтиёжларидан бири – унинг гўзалликка бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган.

Санъат тушунчасини хилма-хил маъноларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Энг кўп даражадаги умумий ифодада санъат маъноси остида ҳар қандай моҳирликнинг олий даражаси тушунилади, яъни бирор нарсани ўқув билан моҳирона бажариш. Инсон фаолияти қанчалик даражада хилма-хил турларга бўлинганлигига қараб, санъат тушунчаси ҳам шунчалик ўзгариб боради. Вақти келиб, санъат гўзаллик ва нафосат қонунларига кўра, инсонни

Ўраб турган табиий ва ижтимоий муҳитни қайта ўзгартиришга қаратилган инсоннинг ижодий фаолияти билан тенглаштирила бошланди.

Ижтимоий амалиётнинг ўзига хос махсус кўриниши ўзининг хилма-хил кўринишларининг барчасига эга бўлган бевосита бадиий ижоддир: мусиқа, рассомчилик, хайкалтарошлик, меъморчилик, театр, кино ва бошқалар.

Санъат ижтимоий онгнинг намоён бўлишининг асосий бир шаклидир. Шунинг учун фалсафий жиҳатдан санъат кўпинча эстетик (бадиий) онг сифатида талқин қилинади. Бироқ бадиий онг билан бир қаторда санъат ўзига бадиий фаолиятини – бадиий қадриятлар ишлаб чиқариш фаолиятини ва унинг маҳсулоти сифатида бадиий асарларни қамраб олади.

Санъат соҳасидаги ҳозирги замон тадқиқотларининг асосий йўналиши санъатнинг шахсга бадиий-эстетик таъсирининг имкониятлари билан белгиланади.

Санъат ўзининг тарбиявий озуқасини тарих, санъатшунослик, этнография, диншунослик ва хоказо каби илмий мавзулардан олади. Назарий нусхаларни ишлаб чиқиш ва тажрибавий озуқани қайта ишлашда санъат асосий умумфалсафий қоидалар, жамиятшунослик, психология ва бошқаларга таянади.

Санъатнинг тарбиявий жиҳати етарли даражада ошқордир. Бу ўз ифодасини санъат “ҳаёт дарслиги”, “инсоншунослик” деган тушунчаларда касб этади, санъат усталари эса “киши руҳиятининг инженерлари” унвонини оладилар. Ҳақиқатда ҳам, санъат индивидуал олинган ва ижтимоий онгнинг шаклланиши ва ривожига жиддий таъсирга эга бўлишга қодирдир. Ўзининг тарбиявий вазифасини бажаришда санъат ижтимоий онгнинг бошқа шакллари бўлган ахлоқ, дин, ҳуқуқий онг билан яқиндан боғлангандир. Ана шу вазифани қайд этиб, Гегель шундай деган эди: “Санъат халқларнинг биринчи муаллими бўлиб қолди”.

Санъат асарининг тарбиявий ва идрокий аҳамияти қанчалик юқори бўлса, одатда, унинг лаззатбахшлик аҳамияти ҳам шунчалик юқори бўлади.

Гегел фикрича: “Санъатнинг хақиқий ўлмас асарлари барча замонлар оша етиб бориб, уларга лаззат бахшида этадилар”.

Муסיқа жанрлари ичида энг демократик ва оммавий хусусиятга эга бўлган тур – бу хор санъатидир. У кишиларимизнинг кундалик ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларни ғоявий-эстетик жиҳатдан тарбиялайди.

Машхур муסיқа назариётчиси, файласуф, бастакор Б.Асафъев фикрича, хор санъати муסיқани тушуна билиш воситасидир.

Хор санъати оммани эстетик руҳда тарбиялаш билан бирга, кишиларни халқ кўшиқлари ижодиётлари дурдоналари, классик вокал-хор асарлари намуналари билан таништиради, уларнинг маънавий дунёсини бойитади.

Хор санъати оммани муסיқавий тайёрлашда кишиларни лоқайд этувчи эмас, балки фаол қатнашчиларга айлантиради. Баъзи бир социологик қарашларга қараганда, ҳаваскорлик хор коллективларида астойидил қатнашган кишилар ҳаётда ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам серғайрат бўладилар.

Хор шундай бир санъатки, унда адабий ва муסיқий ижодиёт ўзаро уйғунлашиб, яхлит бадиий образ яратилади. Бу санъат доимо халқ кўшиқчилиги ижодиёти билан боғлиқ бўлиб, бошқа халқлар миллий муסיқа маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнаб келган.

Ўқувчиларни хор бўлиб куйлашга ўргатишнинг ривожлантирувчи аҳамияти шундаки, кишиларнинг, яъни куйлаш кўникмаларини шакллантираётган вақтда ўқувчиларнинг физиологик ривожланишидир.

Маълумки, киши нафас органлари орқали нафас олади, овоз аппарати ёрдамида овоз чиқаради, артикуляция аппарати орқали гапиради ва куйлайди.

Инсоннинг овоз аппарати ўзига хос мураккаб “муסיқа асбоби” бўлиб, у ўзининг ранг-баранг тембр бойлиги, ниҳоятда нозик муסיқа ифодалаш хусусиятларига эга эканлиги билан ҳамма муסיқа асбобларидан устун туради. Чунки киши овози куй ва сўзни органик пайвандлаш натижасида муסיқий нутқнинг асл маъносини очиб беради. Бу борада инсон овозига тенг

келадиган бирорта ҳам муסיқа асбоби йўқ. Шунинг учун ҳам инсон овози кўпинча “гапирувчи муסיқа асбоби” деб ҳам юритилади.

Овоз аппарати томоқ, хиқилдоқ, халқум, нақас равоғи, овоз пардалари (боғламлари), резонаторлар ва ҳар хил мушаклардан иборат.

Ҳиқилдоқ – овоз пайдо қилиш аппарати вазифасини бажаради. Ҳиқилдоқ узуксимон ва иккита шохсимон (учбурчак) тоғайлардан иборат. Улар муайян мускуллар ёрдамида олдинга ва орқага ҳаракат қилади. Қалқонсимон тоғайнинг пастки узуксимон тоғайнинг халқа қисми устидаги пардалар эластик толалардан тузилган. Томоқнинг халқум деворлари томонидан нафас (бурундан кейинги) йўли бошланади ва овоз равоғига тақалади. Овоз равоғининг ҳар иккала четда жуда нозик тола-тўқималардан иборат овоз пардалари жойлашган. Одам овози жуфт ва тоқ хиқилдоқ тоғайлари пардаларининг мускуллари ёрдамида бир-биридан бирикишидан ҳосил бўлади.

Нафас орқали чиқаётган ҳаво хиқилдоқдан тоғайлар орасида тортилган овоз пардаларига урилиб тебратади ва овоз чиқаради.

Товушнинг баланд-пастлиги, йўғон-ингичкалиги хиқилдоқ бўшлиғининг катта-кичиклигига, пардаларнинг таранглигига, уларнинг узунлиги ва қалинлигига, тил, халқум-хиқилдоқ мускулларининг қисқаришига боғлиқдир. Овозпардалари лотинча “vocale” дейилади. Бу пардалар юқори ва пастда жойлашган бўлиб, юқоридагиси сохта, пастдагиси эса чин овоз пардаси дейилади.

Вокал – хор техникасининг, яъни ижрочилигининг асосини нафас ташкил қилади. Шунинг учун тўғри нафас олиш вокал-хор техникасининг энг муҳим элементларидан саналади. У овоз шаклланиши жараёнида фундамент вазифасини ўтайди. Куйлаганда нафас олиш оддий нафас олишдан фарқ қилади. Куйлаганда нафас тез олиниб, секин чиқарилади. Нафас олиш уч турга бўлинади.

Юқори кўкрак. Нафас кўкракнинг юқори қисмига олиниб, кифтлар кўтарилади. Нафаснинг бу тури зарарлидир. Вокал-хор ижрочилигида бу нафас тури қўлланилмайди.

Аралаш (пастки қовурға-диафрагма ёки косто-абдаминал). Хорда нафас пастки қовурға – диафрагма усулида олинади. Бу усул хонандаларга (хаваскорлик хорларида) олдин тушунтирилиб, кейин кўрсатилиб берилиши керак. Бундай нафас олишда биқин ва пастки қовурғалар кенгаяди. Нафас олишда кифтлар кўкрак қафаси кўтарилмаслиги керак. Тажрибали ашулачиларда нафас юқори кўкракда деярли бўлмайди. Уларда нафас пастга – диафрагмага олиниб, қориннинг пастки қисми ҳаракатда бўлади.

Нафасни тежаш билан сарфлаш хонанданинг тажрибаси ва маҳоратига боғлиқ. Масалан, италиялик машҳур ашулачи Э.Карузо (ўзининг тан олишига караганда) ўпкадан чиқаётган ҳар бир нафас (ҳаво) заррачасини овоз барпо қилиш учун сарфлашга ҳаракат қилади.

Нафас олиш тугагач, кўшиқни ижро этишга ўтилади. Нафас олиш кўшиқ айтишга тайёргарлик ролини ўйнайди, нафас чиқариш кўшиқни айтишни бошлаш вақтига тўғри келади. Нафас олиниб бўлгач, маълум қисқа вақтга у ушланади ва чиқа бошлайди. Нафас чиқа бошлаганда овоз пардаларининг таранглашуви натижасида товуш чиқа бошлайди. Нафас тежам билан сарфланиши керак. Кўшиқ айтганда ҳаддан кўп нафас олиш мумкин эмас. Бу овознинг зўриқиши, шовқинли бўлишига олиб келади. Бундан ташқари, ортиқча олинган ҳаво овоз пардаларининг сиқиши натижасида овозда детонация пайдо бўлади.

Нафас олиш жойи партитурада “V” белги билан кўрсатилади. Нафас жумлалар охирида ва янги жумланинг бошида олинади. Фраза ва сўз ўртасида нафас олиш мумкин эмас.

1.2. Ўқувчиларни хорда куйлашга ўргатишнинг шакл, восита ва усуллари.

Муסיқа бошқа санъат турларидан ўзининг ифода воситалари билан, яъни “тили” билан фарқ қилади. Агар бадиий адабиёт сўз билан, тасвирий санъат ранглар билан, рақс санъати ҳаракат билан ифодаланса, муסיқа эса мантиқий товушларда вужудга келган оҳанг востиясида ифодаланadi. Юқоридаги санъат турларини кўриш ва эшитиш орқали идрок этсак, муסיқани фақатгина диққат билан тинглабгина ифода этамиз. Шунинг учун кўзи ожиз кишилардан ҳам етук муסיқачилар етишиб чиққан.

Муסיқа аниқ вақт ўлчови билан боғланган санъатдир. Шунинг учун, ижро этилаётган муסיқа темпига созланиб, унинг ҳар бир элементини диққат билан тингламасак, асарни мукамал идрок эта олмаймиз. Муסיқа болаларга актив эмоционал таъсир кўрсатади, қувонтиради ҳамда ижодий кечинмалар уйғотади. Яхши, мазмунли, қизиқарли муסיқа дарсидан болалар ҳордик чиқариб, бадиий озука оладилар, қувноқ, хурсанд бўлиб чиқадилар. Хуллас, муסיқа дарси ўзининг актив психологик таъсири билан бошқа фанлардан фарқ қилади.

Муסיқа дарси ўзининг аралаш дарс тури эканлиги билан ҳам бошқа фанлардан фарқ қилади. Муסיқа дарси қуйидаги 5 асосий фаолият туридан ташкил топади:

1. Хор бўлиб куйлаш.
2. Муסיқа саводи.
3. Муסיқа тинлаш.
4. Муסיқага хос ҳаракатларни бажариш.
5. Болалар чолғу асбобларида жўр бўлишдан иборат бўлади.

Чунки бошланғич синф ўқувчиларини диққат-эътибори тарқоқ, овоз аппаратлари кучсиз, муסיқий ўқув қобилиятлари тўла шаклланмаган, серҳаракат, ўйинга мойил бўладилар. Бунда дарсинг тузилиши барқарор

структурага қараб эмас, балки ўқитувчи дарс мавзуси, педагогик мақсад сари эришишга қараб дарсни хоҳлаган дарс фаолиятдан бошлаши мумкин. Бундан мақсад, ўқувчиларни мусиқага қизиқтира олиш, мусиқий қобилиятларини ўстириш жиҳатдан мантиқий бир бутунликка эришишдир. Демак, янги дастур мазмунида дарс ўтиш учун, мусиқа ўқитувчиси ижодкор бўлиши, мусиқадан зарур билимларга эга бўлиши ҳамда ашулачилик малакаларига эга бўлмоғи зарур.

Мусиқа идроки кишининг ҳаётий тажрибасини бойитади, реал воқеаликни бадиий ҳис этиб, билиш, фикрлаш қобилиятини ўстиради. Мусиқани онгли идрок этиш ўз навбатида бадиий оҳанг ва мантиқий жиҳатдан хотирада турғун сақланишни талаб этади. Мусиқа дарсида онглилик ва активлик айниқса, вокал-хор малакларини шакллантирилиши учун зарурдир. Хор бўлиб кўшиқ куйлаш, мусиқа тинглаш, мусиқа саводи, фаолиятларида ҳамоҳанглик ва активлик мусиқани назарий ва амалий жиҳатларини тўғри билиш ва ўзлаштиришни осонлаштиради.

Ўқувчиларни хорда куйлашга ўргатишнинг шакл, восита ва усуллари ҳақида фикр юритар эканмиз, шунинг ҳам таъкидлаб ўтишимиз керакки, ҳеч қачон инсон мукамал кўшиқ айтишга мойил бўлиб туғилмайди. Албатта бу қанчадир муддат давомида шаклланиб, ривожланиб боради. Бунда эса умумтаълим мактабларининг мусиқа дарслари таълимоти катта аҳамиятга эга. Шундай экан, биринчи синфдан бошлаб ҳар бир ўқувчининг овоз аппаратида поғонама-поғона шаклланиб, ривожланиб боради. Ниҳоят, еттинчи синфда мукамал вокаль-хор малака, кўникмага эга бўлган ўқувчиларга эга бўлишимиз мумкин. Албатта бундай ютуққа эришиш учун шунга яраша меҳнатни талаб этишини унутмаслигимиз керак.

Биринчи синфда мусиқа дарсларида, яъни таълимотнинг пойдевори кўйилади. Шунинг учун аввало биринчи синфдан бошлаб уларни дарсга актив қизиқтириш, мусиқани идрок эта олиш, яъни билиш, мусиқий қобилиятларини ривожлантириш, мусиқа ўқитувчиси болаларни севиши, дарсга яхши тайёргарлик кўриши, барча метод ва принциплардан тўғри

фойдалана олиш, сўз чиройли, майин, болалар овозига мослаб куйлар мазмунини очиб бериши лозим. Биринчи синф ўқувчилари психологик-физиологик характерига кўра, маълум даражада хотираси тўлиқ ривожланмаган, диққат-эътибори, овоз аппаратлари тўла шаклланмаганлиги сабабли, овоз пардалари нозик, кучсиз бўлади. Бу ёшдаги болалар санъат билан болалар боғчаси, телевидения, радио, кўғирчоқ театри ва мультфильмлар орқали таниш бўладилар.

Биринчи синфда ўқувчилар мусиқа ҳақида куйидаги билимларга эга бўлиши керак:

1. Болаларнинг диққат-эътибори мусиқанинг ифода воситалари – куй, регистр, темп, жанр, ладларга жалб этилади.

2. Ашула айтиш қоидаларига доир билимлар чапак ва чолғу асболарида чалиш қоидалари, мусиқа мос ҳаракатлар, кўшиқлар жанри характери ва тузилишига доир билимлар ҳақида маълумотга эга бўлишлари керак.

3. Мусиқа ижодкори – композитор, ижрочи, тингловчи ҳақида қисқача танишишлари керак. Кейинги синфларда мазкур билимлар нисбий тушунчадан аниқ тушунчага айланади.

Шундай қилиб, биринчи синф болалар мусиқанинг характери ва образлари ҳақида умумлашган билим ва нисбий тушунчаларга эга бўладилар, бу шартли равишда нотагача бўлган давр деб аталади. Мусиқа элементлари асосан кўл билан куй ҳаракати, товушлар баланд-пастлиги, узун-қисқалиги кўрсатилади. Кўшиқ ҳақида ўқитувчининг қисқача кириш сўзи (муаллифлари, айрим тарихий хусусиятлар, ҳаётий аҳамиятлар ва бошқаларни ҳикоя, суҳбат йўли билан қисқача баён этиш), кўшиқни ижро этиб ёки грам ёзувида эшиттириш, суҳбат йўли билан кўшиқнинг мусиқа характери, унинг ифода воситалари ва мазмунини аниқлаш ҳамда айрим ижро услубларини белгилаш, кўшиқни мусиқали жумлаларга бўлиб ўргатиш, ижрочилик сифатлари устида ишлаш, кўшиқни ижро этиш ва кўшиқ ҳақида болалар таасуротлари юзасидан қисқача суҳбат ўтказиш, яъни умумлаштириш.

Иккинчи синф ўқувчилари ўзларининг психологик-физиологик характериға кўра, биринчи синф ўқувчиларига ўхшаш бўлади. Уларнинг диққат, эътиборини турғунлиги ҳам яхши шаклланмаган бўлади. Чунки улар ўйин билан боғлиқ бўлган нарсаларға кўпроқ қизиқадилар. Овоз аппаратларининг нозик, мўртлиги, тўла шаклланмаганлиги сабабли овозлари фальцет темпида янграйди. Овоз диапазоли До₁ дан – До₂ гача бўлади. Вокаль-хор ишиға эътибор кучаяди.

Болалар мусиқани чуқур идрок этиши учун қуйидаги фаолият турларидан фойдаланилади.

1. Хор бўлиб ашула айтиш.
2. Чапак ва урма чолғу асбобларида мусиқаға ритмик жўр бўлиш.
3. Мусиқа характери ва образларини ҳарактларда ифодалаш.

Ўқувчиларни мутаасил қўл ҳаракатларига ўргатиб бориш зарур. “Диққат”, “ауф”, “ижрони бошлаш”, “ижрони тугатиш” каби зарур дирижёрлик қоидаларига амал қилиб қуйлаш керак. Қуйлаш вақтида ўзини тута билишни эслатиб ўтиш керак.

2-синфда болалар малакаларининг ошиб бориши физиологик ўсиш муносабати билан овоз кучи, тембри, диапазоли ўзгариб бориши маълум тизим асосида олиб борилишини талаб этади. Мусиқа саводида қуйидаги билим ва малакалар шаклланиб бориб, амалда бажарилиши зарур.

1. Қуйларни ритмик схемаларини аниқлаш ва уларни ҳис этиб қуйлаш.
2. Кучли ва кучсиз ҳиссаларни аниқлаш ва уларни ҳис этиб қуйлаш.
3. Чапак ва чолғу асбобларида чалиб қуйға ритмик жўр бўлиши.
4. Марш ва рақс характериини ҳарактларда ифодалаш.
5. Лад ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш.

Иккинчи синфда лад ҳисси тарбияси анча ривожланади. Асар характериини белгилаш билан бирға марш қўшиқ ва қуйларнинг мажор ва минор учтовушликларини аниқ билиб олиш билан белгиланади.

2-синф ўқувчиларини овозига ҳам диққат билан эътибор бериш зарур. Бақириб, кучаниб ашула айтишга йўл қўймаслик керак. Овозларида камчилик сезилса дарҳол докторга боришни айтиш лозим.

Шундай қилиб, иккинчи синф ўқувчилари мусиқани тузилиши ва нота саводига доир мазкур бошланғич билим ва кўникмаларга эга бўладилар, хор бўлиб куйлашда ўзини тутиш, қўшиқ мазмунига мос эмоционал кечинмаларни ҳис этиш, тинглаган асарлари юзасидан суҳбатларда қатнашиш, ҳикоя тузиш, мусиқа оҳангига мос ҳаракатлар бажариш.

Учинчи синф ўқувчилари 1-2-синф ўқувчиларидан психологик-физиологик характериға кўра анча фарқ қилади. Уларнинг диққат-эътиборини турғун хотираси кучли, овоз аппаратлари шаклланган, нутқи равон, вокаль-хор малакаларига эга, мусиқа ҳақида билимға эга бўладилар. Мусиқа саводидан нотаға қараб куйлаш қобилиятлари онгли равишда ривожланади. Ўқитувчини қўл ҳаракатиға қараб ва уларни қўлларини ҳаракатға келтириб турли машқлар ва қўшиқларни куйлай оладиган бўлишади. Бу ўрганилаётган мусиқий асарларни жанрини аниқлашда, соф интоннацияда тўғри куйлашға ва қўшиқ мазмунини ифодали қилиб бадиий жиҳатдан тўғри ижро этишда муҳим роль ўйнайди.

Учинчи синф ўқувчилари нафасини тўғри олиб жумлани охиригача етказишға аста-секин ўрганиб боришлари керак. Икки овозли асарларни энг оддийсини куйлай оладиган бўлишлари керак. Икки овозли куйлашға эришиш учун аввало, соф интоннацияға эришиш керак, бунға овоз созлаш жараёнида эришилади. Олдин терция кенглигида икки овозли машқларни куйлаш, сўнгра бир-икки такт канон шаклида машқлар куйлаш орқали ўқувчиларни мусиқий ўқуви ривожланиб, эшитиш қобилияти ўсиб боради.

Бошланғич синфларда хор бўлиб қўшиқ куйлаш – жамоа фаолияти сифатида ўқувчиларни бевосита иштироки билан амалға оширилади. Қўшиқ куйлаш мураккаб психологик ва физиологик жараёндир. Бунда бош миядаги нерв хужайралари фаол қатнашади, ўқувчиларда ижобий ҳис-туйғуларни фаоллигини таъминлайди, кўкрак қисми товуш ҳосил қилувчи аъзоларни

артикуляция ва нафас органларини фаоллаштиради ҳамда ўқувчиларнинг самарали ишлашига шароит яратади.

Бошланғич синфларда кўшиқ ўргатиш учун аввал шу кўшиқ тингланади, сўнг кўшиқ ўргатиш методи асосида ўргатилади:

1. Кўшиқ хақида ўқитувчининг қисқача кириш сўзи.
2. Кўшиқни ўқитувчи томонидан тўлиқ ижро этиб берилиши.
3. Кўшиқнинг мусиқий характери, унинг ифода воситалари, шакл, жанрини ўқувчилар билан биргаликда аниқлаш.
4. Кўшиқни мусиқий жумлаларга бўлиб ўргатиш.
5. Кўшиқни ижро сифатлари устида ишлаш (нафас, соф интоннация, талаффуз, динамик белгилар асосида ифодали куйлаш).
6. Таасуротлари юзасидан қисқача суҳбат ўтказиш, кўргазмали қуроллар, яъни материаллар асосида.

Бунга мисол қилиб, дарсликдаги куйидаги асарларни айтишимиз мумкин: “Бувижоним” Д.Омонуллаева мусиқаси, Н.Рўзимухаммедов шеъри, “Бахти эркатоӣ” Т.Тошматов мусиқаси, Т.Илхомов шеъри, “Дилоромнинг кўшиғи” Д.Омонуллаева мусиқаси, Ҳ.Муҳаммад шеъри.

Кўшиқларнинг диффекионал гуруҳларга бўлиб ўргатиш дарс самарадорлигини оширади. Мусиқий ўқув бўш бўлган ўқувчиларни қизиқиш ва мусиқий қобилиятини янада ўстириш учун ўқувчиларни уч гуруҳга бўлиб ўтказиш лозим.

Мусиқий ўқуви бўш бўлган болалар ҳар томонидан жарангдор овозларни эшитиб, уларга тақлид қилиб чиройли, соф интоннацияда куйлашга ҳаракат қиладилар. Бу ёшдаги ўқувчиларни овози ўзларига хос жуда майин ва ёқимли тембрга эга бўлади. Ўтириб ва туриб куйлаганда гавдани тўғри тутиш, нафасни сўз ўртасида олмаслик учун режага солиш, унли ва ундош товушларни тўғри талаффуз қилиш, соф интоннация устида мунтазам иш олиб боришлари лозим. Болалар овозини парвариш қилиш тавсия этилади. Овоз созлашни примар товушлардан ($ми_1$, $фа_1$, $соль_1$)

бошлаб, елкани кўтармасдан нафас олишга аҳамият бериш, кўшиқ куйлаш самарадорлигини оширади.

Иккинчи синфда вокаль-хор ишларига эътибор кучаяди, ўқувчилар овозига ва чолғуга таяниб жўр бўлиб, мусиқали ритмик ҳаракатлар бажарадилар. Бунга “Пахтаой” Ф.Назаров мусиқаси, Т.Илхом шеъри, “Кичкинтоймиз-гизингтоймиз” Д.Зокиров мусиқаси, П.Мўмин шеъри, “Ғилдирагим” Ш.Ёрматов мусиқаси, Т.Бахромов шеъри каби кўшиқлар, “Чаманда гул” каби ўзбек халқ куйлари мисол бўла олади.

Тўртинчи синф ўқувчилари ўзларининг психологик-физиологик характериға кўра ҳаётий тажрибаға бой, фанларға кизиқувчан бўладилар. Диққат-эътибори турғунлашган бўлади. Мутахассис иш олиб борган жойда эса ўқувчилар соф унисонда куйлаш, ансамбль ва кўшиқларни меъёриға етказиб, икки овозда куйлаш даражасига эға бўладилар. 4-синф ўқувчиларининг овоз диапазоли - до₁-ми₂. 4-синфда ўқувчиларнинг овозлари жарангдор, ёқимтой, кулминацион ривожланган даври ҳисобланади. Шунинг учун, дарсда кўпроқ куйлатиш мақсадға мувофиқдир. Диққат-эътибори турғунлашган бўлади. Жиддий бўлган масалалар устида фикрлаш, ҳажм жиҳатдан каттароқ бўлган мусиқа асарларини эшитишға қодир бўладилар, мушоҳада қилиш қобилиятиға эға бўладилар.

11 ёшдаги болаларда овоз пардалари тўла шаклланган бўлади. Нафас анча чуқурлашган бўлиб, кўкрак қисми кенгайганлиги сабабли товуш анча кучайган бўлади. Овозларни маромиға тушириб куйлаш учун кўшиқ парчаларидан машқлар танлаб куйлаш лозим. Машқларни маълум тизимға солиб куйлаш керак. Машқ ва ашулалар доимо секин темпдан бошлаб ўргатилади. Кўшиқ ўргатишда дирижёрлик услубида фортепиано чолғу асбобидан унумли фойдаланиш лозим. Кўшиқ ўргатиш давомида соф унисонға, икки овозликка, бадий ижроға эришиш лозим. Мусиқа танлашда вокал ва чолғу мусиқаси, халқ, оммавий мусиқаси ва касбий мусиқани тинглаб идрок эға олиш назарда тутилади. Тўртинчи синф ўқувчиларининг овоз аппаратлари шаклланган, йўлга қўйилган бўлганлиги сабабли, уларни

кўпроқ тўгарак ишларига жалб қилиш (хор, ракс, рубобчилар, доирачилар, вокал ансамблџи) мақсадга мувофиқдир.

Муסיқа тинглаш учун 4-синфда ўзбек халқининг оммавий кўшиқларидан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Масалан: “Алла”, “Омонёр”, “Бойчечак”, “Дилхирож”, “Тановар”, “Лолача”, “Ковушим”, “Чоргоҳ” ва бошқалар.

Ўқувчиларда шунингдек, халқ муסיқа ижодининг оммавий жанрлари, касбий муסיқа, композитор ва бастакорларнинг муסיқалари ҳақида маълумот бериш лозим. Халқ муסיқасининг оммавий жанрлари халқимиз орасида кенг тарқалган бўлиб, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда, бу асарлар мазмунида оромбахш, ёқимлим, майин аллалар, панду-насихат, ахлоқ-одоб ҳақида кўшиқлар, ялла, лапарлар киради. Буларга мисол қилиб, “Олмача анор”, “Ойижон”, “Қизгина”, “Ҳей, лола”, “Ишга чиқинг келинойи” каби асарларни тинглаш мумкин.

4-синф ўқувчиларини айниқса композиторлик ва бастакорлик ижоди билан таништириш лозим.

Бешинчи синфда ўрта таълим этапи бошланади. 5-синф ўқувчилари психологик-физиологик жиҳатдан анча ўзгарган бўладилар. Вокал-хор кўшиқлари ва малакаларига эга бўлади. Соф унисонда, икки овозли машқларни куйлашга ва ансамблда куйлашга эга бўлади. Кўшиқ ҳақида, тинглаган асар ҳақида мустақил фикр юритиш қобилиятига ҳам эга бўладилар. Овоз диапазони (до₁-фа₂) маълум микдорда ривожланган бўлади., улар ҳаётий тажрибага бой бўладилар. Фанларга қизиқувчан ва ўзлари севган машғулотларга астойидил меҳр билан қарайдилар. Ҳажм жиҳатдан каттароқ муסיқани тинглашга ва куйлашга қодир бўлади. Муסיқа дарсида кўрғазмалилик асосий ўринни эгаллайди. Ўқитувчи ўзи кўшиқни ифодали қилиб куйлаб бериши ва ўқувчиларни муסיқавий ўқув қобилиятларини ўстириши керак:

1. Соф унисонга эришиши.
2. Муסיқий жумлани бошидан охиригача тўла идрок этиши.

3. Нотага қараб куйлаш қобилиятига эга бўлиши керак.

Бешинчи синфда бир овозда кўшиқ куйлаш устида иш олиб бориш давридаёқ, ўқувчиларни икки овозда куйлашга аста-секин тайёрлаб бориш лозим. Ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб, ниҳоятда оддий машқлардан, кўшиқ нақоратларидан, куйлаш учун қулай бўлган ладлардан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Энг оддий ва мураккаб машқларни ҳам, асосан сольфеджио қилиш йўли билан ўрганиш ва куйлаш лозим, чунки бу жараёнда ноталарни номлари ва баландлиги ҳолатини ҳам англаб берилади. Икки овозликда куйлашни бошлашдан олдин, синф тахтасида ёки плакатларда кўрсатиб ноталар номини ва товушнинг баландлик ҳолатини аниқлаб, овоз чиқариб бир неча марта такрорлаб, сўнг куйлаш лозим.

Дастлаб катта терция, соф кварта, соф квинта, катта секста синганри оҳангдош интерваллар машқлар куйлаш учун асос бўла олади. Чунки бу интерваллар куйлаш учун қулай, ёқимли ва ўқувчилар хотирасида сақланиши осон. Интерваллар фақат икки овозда куйланмасдан, балки тинглаш учун ижро этиб, уларда юқори ва пастки товушни аниқлашни топшириши лозим. Бундай саволлар ўқувчиларни гармоник уқувини кучайтиради, интервалларни онгли равишда ўзгартириш туйғуси пайдо бўлади. Икки овозлик кўшиқларни куйлаш учун, кичик канонлардан бошлаб каттароқ хажмдаги жўрсиз (акапелла) асарларга ўтиш, ўқувчиларни бир-бирини диққат билан эшитиб, куйлаш қобилиятларини ўстиради. Икки овозли кўшиқларни танлаганди, икки овозли элементи бор, кичик хажмдаги асарлар мақсадга мувофиқдир. Ҳар қайси овознинг оҳанги аниқ, равшан, мустақил бўлиши керак. Пастки овоз куйи ширали, хушоҳанг, яхши эса қоладиган бўлиши, айниқса муҳимдир. Овоз партияларининг диапазони секста, септима, октавалар хажмидан ошмайдиган кўшиқлар айтишга айниқса қулайдир.

Кўшиқлар ўртача темпда ёзилган бўлиши куйлаш учун фойдали ва осондир. Икки овозли кўшиқларни оҳанглари имитация жиҳатдан шакли энгил ва осон бўлиши керак. Ўзбек халқ кўшиқларини ўқитувчи икки

овозлик қилиб, қайта ишлаб ўргатиши ўқувчиларни талаффузда интоннацияси ва хотирасини ривожлантиради. Икки овозликни куйлашда, бир овоз чўзиб, иккинчи овоз ҳаракатланиши ҳам, болаларни эшитиш қобилиятларини ўстиради. Кейинчалик эса, товушларни параллель бир томонга йўналиши, овозларни қарама-қарши йўналиши ва ҳар хил мураккаброқ ҳолатида ҳам куйлаш мумкин бўлади. Мусиқа дарси жараёнида икки овозда куйлаш учун болалар овозини дискант ва алтыга бўлиш шарт эмас, балки тахминий бўлиши ҳам мумкин. Чунки иккинчи, учинчи овозни куйлаганда болаларни мусиқа ўқуви кўпроқ ўсади. Шунинг учун овозларни галма-гал алмаштириб куйлатиш лозим. Бунинг учун албатта дастлаб, соф унисонга эришилади. Сўнгра, икки овозли асарларга ўтилади. Бешинчи синф болаларининг овозлари янгроқ, овоз аппаратлари шаклланган, кўникма ва малакаларга эга бўлганликлари сабабли икки овозли қўшиқларни ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчи синфда мусиқа дарсларининг асосий мақсади, ўқувчиларни бошланғич синфларда олган билимларини ва тайёргарлик даражасини аниқлаб, мусиқа машғулотларига, тўғарак ишларига қизиқтиришдан иборат. Мазкур мақсад юзасидан кириш суҳбати ўтказилади ва кўпчилик ёддан биладиган қўшиқ куйланади. Куйлашдан олдин ашула айтиш ҳолати, ўтириб ва туриб куйлаш қоидалари таништирилади ва тартибга солиб, вокал машқлари ёрдамида овозлар созланади. Сўнгра қўшиқ ижро этилади, ҳамда ижро ютуқ ва камчиликлари баҳоланади. Қўшиқ мазмуни суҳбатда аниқланиб, асар характери, темпи, шакли белгиланади ва талабларга кўра қайта куйланади, токи ўқувчиларда дарснинг профессионал даражаси сезилсин. Бунда айниқса овоз эркинлиги ва равонлиги, соз ва ансамблга эътибор кучаяди. Қўшиқ ижроси характер жиҳатдан таҳлил этилади. Натижада ўқувчиларни қўшиқ куйлашга, мусиқа тинглашга, асарларни саводли таҳлил қилишга, тўғаракларга қатнашишга, чиройли овоз ҳосил қилиб куйлашга қизиқиши ва маъсулияти ошиб боради. Кейинчалик эса икки овозли қўшиқ куйлашга қизиқиши ҳам ортиб боради. Икки овозли куйлаш

малакаси сингдирилади. Бу тўғарак ишларида ўз натижасини кўрсатади. Муסיкий асарни тинглаш ва куйлаш учун албатта муסיкий билим ва кўникмаларга эга бўлиш кераклиги ва ҳаётда мусиқа тарбиясининг аҳамияти ҳақида мусиқа ўқитувчиси тушунтириб бориши лозим.

Олтинчи синфда амалга оширилиши лозим бўлган мақсадлар, мусиқа тарбиясининг бош мезони – ўқувчиларнинг маънавий бойлигининг таркибий қисми бўлган мусиқавий маданиятини шакллантиришга қаратилади. Мазкур мақсадларни қуйидагича амалга ошириш белгиланади:

1. дарсинг барча фаолиятлари воситасида доимий равишда ўқувчиларнинг мусиқавий иқтидорини ривожлантириб бориш.

2. вокал-хор малакаларини ривожлантириб, якка жамоа бўлиб куйлаш, икки овозли куйлашга ўргатиш.

3. мусиқа идрокини ривожлантириш ва асарларни тузилиши, шакли, лади, темпи, муаллифлари ҳақида фикр юритишга ўргатиш.

4. Мусиқа саводидан, оддий мусиқа терминларини ва атамаларини моҳиятини мусиқа амалиётида билиш ва ҳар бир мусиқа асарида куйлаб бориш.

Олтинчи синф ўқувчиларининг овоз диапазони до₁-фа₂ бўлади. Олтинчи синфда ўқувчиларни ўспиринлик даври бошланади. Бунинг натижасида организмда актив ўзгаришлар рўй беради. Физиологик-психологик жиҳатдан ўқувчиларни овозини ўзгариши, бўйнинг ўсиши, фанларга қизиқиши, мустақил фикр юрита олиш қобилиятлари ривожлана бошлайди. Натижада бош мия етарли даражада озуқа ололмай, ҳорғинлик ҳолатлари рўй беради. Дарс мазмунини ҳаёт билан боғлаб олиб бориш зарур. Кўшиқ ўргатиш ва мусиқа тинглаш жараёнида асарлардан парчалар куйлаб, овозларини созлаши болаларда қизиқиш уйғотади. Бунда ижро услубларини батафсил тушунтириш лозим.

Олтинчи синф ўқувчиларини овоз диапазони 1-овозлар учун до₁-фа₂, 2-овозлар учун Си_{кич}-Ре₂ бўлади. Бу даврда ўқувчиларга кўшиқларни икки овозлик қилиб ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу пайтда мутация

даври бошланади. Мутация давридан олдин ўғил ва қиз болалар овози ўртасидаги фарқ унча сезилмайди. Мутация пайтида қўшиқ ўргатиш катта маъсулиятни талаб этади. Қўшиқлар болаларнинг овоз имкониятларига мос тушиши ва дарс давомида уларнинг овозларининг асраб-авайлаш ишларига ёрдам бериши лозим. Дарснинг асосий қисмини ашула айтишга сарф этиб, овозларни чарчатмаслик керак. Ўқувчиларни икки овозга ажратиб, қўшиқларни икки овозлик қилиб, уларнинг овозларига мослаш овоз тарбиясининг муҳим воситасидир. Хор бўлиб куйлаш, мусиқа саводи, мусиқа тинглаш фаолиятлари, асарларни таҳлил қилишда мавзулар асосида мантиқан боғланади.

7-синф ўқувчилари физиологик-психологик характериға кўра диққат-эътиборлари турғун, дунёқараш и ривожланган бўлади. Ўқувчиларға қўшиқ ўргатиш жараёнида уларни овозларини асраб тарбиялаш иши мураккаблашади. Овоз шаклланиши нотекис бўлади, чунки бу ёшда мутация даври кучаяди. Айниқса ўғил болаларда овоз бойламлари йўғонлашиб, овоз регистри бир октаваға пасаяди. Натижада ўқув ва овоз ўртасидаги координация бузилиб, соф интонацияда аниқ куйлай олмайдилар. Бундай пайтда ўқувчи куйлаш учун кулай куйларни излаш лозим. Овозни толиқтирмасдан эркин, равон куйлашға ўргатиш керак. Мутация даврида болалар овозида кун сайин ўзгариш рўй беради. Буни ҳисобға олиб, қўшиқни овоз партиясини икки овозги бўлиш лозим. Ёки овозларни транспортировка қилиб, пастки товушларға тушириш лозим.

7-синф ўқувчиларининг овоз диапазоли 1-овозларда до₁-ми₂, 2-овозларда эса Си_{кич}-Ре₂ гача бўлади. Тажрибалар мутация даврида овозларни тўғри тақсимлаш, овозларни текис чиқиши ва қийинчиликларға дуч келмасликка олиб келади. Танланган қўшиқлар, қахрамонона, лирик, эстрада, ўзбек халқ қўшиқларидан бўлиб, ўқувчиларда ўрганишға қизиқиш уйғотиши лозим. Баъзи бир қўшиқларни солист ёрдамида ҳам ўргатиш мумкин. Ашула айтганда динамик белгилари, темпи, бадий ижросига эришиш зарур. Ўқувчиларда яъни вокал-хор ишларида, қўшиқ ўргатиш, овоз созлаш

жараёнида уларни овозларини эҳтиёт қилиш, методик тўғри йўлланма бериш керак. Чунки 7-синфда болаларда мутация даври бошланади. Бу даврда қиз болаларда регистр ўз ўрнида қолиб, овоз кучи, темрининг майинлиги деярли сақланиб қолади. Шу боисдан, ўғил болаларда мутация актив ва сезиларли даражада, қиз болаларда эса осойишта ва текис ўтади. Натижада баъзи ўғил болалар ашула айтганда, созга тушолмай қийналадилар. Баъзилари эса кучаниб куйлайдилар.

Қўшиқларни болаларнинг овоз имкониятларига мослаштириб дарс давомида уларнинг овозларини асраб-авайлаб ўргатиш лозим. Овоз партияларини аниқ ажратиб, икки овозда ашула айттириш, овоз партиясининг муҳим воситасидир.

Ўқувчиларга мусиқий тарбия беришнинг негизи хорда ашула айтишдир. Ашула айтганда овозини парвариш қилиш ва махсус вокал-хор машқлари, яъни уч товушли, паст босқич ёки юқори босқичдаги товушлар орасида квинта ёки октава миқёсидаги қисмларида жўрсиз машқлар, қўшиқлардан парчалар айтиб, овозни созлаб бир маромга солиш катта аҳамиятга эга. Мусиқа тинглаганда ва хор бўлиб қўшиқ куйлаганда, мусиқа соғасидан олинган барча назарий маълумотлари машқ қилиш жараёнида мустаҳкамланади. Қўшиқ ўргатиш жараёнида ўқитувчи асарни ифодали ижро этиб, асар ҳақида қисқа ва қизиқарли, образли кириш сўзи, асарнинг жанри, мазмуни, ифода воситалари ҳақида суҳбатлар ўтказиши муҳим роль ўйнайди. Етти йиллик ўқиш даврида мусиқа соҳасида иш олиб бориш натижасида, ўқувчилар мусиқа саводхонлигига эга бўлиб етишадилар.

II-боб. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР ХОР ЖАМОАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ

2.1. Мактаб мусиқа маданияти дарсларида ўқувчиларни хорда куйлашга ўргатиш методикаси

Хор бўлиб куйлаш мураккаб психологик-физиологик жараён ҳисобланади. Мусиқа дарсаларида вокал-хор ишлари, ўқувчиларни ахлоқий-эстетик тарбияси учун ўқитишнинг энг фаол шаклидир. Хор бўлиб кўшиқ куйлаш ўқувчиларнинг диққат-эътиборини кучайтиради, хотираси, нутқи ривожланади, овоз диапазони кенгаяди, мусиқий ўқуви ўсади, мутация даври енгил ўтади, дунёқараши йилдан-йилга шаклланиб боради. Вокал-хор малакалари мусиқа дарсида муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, хор машғулотларида ўқувчиларнинг диққат-эътибори, онглилиги ва активлиги ошади, мусиқий хотираси яхши ривожланади ва ўрганган кўшиқларини ижро этганда, завқланиш ҳисси пайдо бўлади. Кўшиқ куйлаганда, ижодий ижрочилик ҳамкорлик кучаяди ва дўстона жамоага бирлашади. Кўшиқни сўз

маъноси ва мусиқа оҳангини чуқур идрок этадилар ва асарни мазмуни орқали хаётни ўрганадилар. Юқорида баён этилган натижаларга эришиш учун куйидаги вокал-хор малакаларини шакллантириб бориш ва хор бўлиб куйлаганда бунга қаттиқ риоя қилиш шарт. Чунки айнан вокал-хор малакалари воситаси билангина ёқимли ва оҳангдош, соф хор жарангдорлигига эришиш мумкин.

Вокал-хор малакалари олти турга бўлинади.

1. Дарсда кўшиқ куйлаш ҳолати.
2. Ашулачилик нафаси.
3. Овоз ҳосил қилиш.
4. Созланиш.
5. Ансамбль.
6. Талаффуз.

Хор коллективининг асосини ундаги вокал-хор ишлари ташкил қилади. Вокал-хор комплекс ишлари хорнинг муваффақиятли фаолияти учун замин яратади. Хорда вокал ишларининг сифат даражаси хор диржёрининг малакасига, вокал қобилияти ва педагогик маҳоратига боғлиқ. Хорда олиб бориладиган вокал ишларининг мақсади, хонандаларда тўғри куйлаш малакаларини ўстиришдир.

Вокал ишларига:

- хорнинг муҳим элементлари устида ишлаш (ҳамоҳангликка, яхши созга, талаффузига, бадий ифода воситаларига) эришиш;
- тўғри нафас олиш, вокал товуш барпо қилиш ва уни шакллантириш;
- хор коллективи аъзоларини бир хил вокал малакаларига эга қилиш кабилар киради.

Хор ижросининг муҳим элементларини барпо қилиш унинг вокал-хор техникасига боғлиқ, албатта. Вокал-хор техникасига асосан, нафас, товуш ҳосил қилиш, уни чўзиш, динамика, интонация ва дикция малакалар киради.

Хор коллективи яхши вокал техникага эга бўлмаса, у хорнинг ижросида на уйғунлик (ансамбль), натиқ соз, на аниқ талаффуз ва бадиий ифода бўлади. Шунинг учун хорда ҳар доим вокал-хор техникасини ривожлантириш ва уларни такомиллаштириб бориш зарур. Чунки хорда яхши ансамбльга, созга, динамик мустаҳкамликка, дикцияга ва тембр бўёқларига эришишда вокал “фундамент” мустаҳкам бўлиши керак. Хорда вокал шунчалик аҳамиятга эга экан, хор раҳбари вокал педагогикасини яхши билиши ва ўзи яхши ижро эта олиши талаб қилинади. Хонандалар эса овоз гигиенасини билиши ва овозларини эҳтиёт қили юришлари керак. Товушни шамоллатиш, овоз пардаоирин толиқтириш, қаттиқ қичқириш ҳоллари хорда вокал ишлари савиясини пасайтиради.

Раҳбар ҳар доим вокал тарбияси устида иш олиб бориши, хорнинг иш фаолиятини шу тарбия асосида бошқариши ва хорнинг чиройли, ифодали жарангига эришмоғи керак.

Қўшиқ куйлаш ҳолати деганда, дарсда ўқувчиларнинг ўтириш ва туриш ҳолати назарда тутилади. Ўтириб ёки туриб куйлаганда, бош, қўл ва оёқларни қандай тутиш лозимлиги ҳақида ўқувчиларга тушунтириш ва доимо назорат қилиб, эслатиб туришдан иборатдир. Мазкур малаканинг қоидалари гавдани қийшайтирмадан тўғри тутиш, ўтириб куйлаганда парта суянчиғига суянмасдан, елкаларни тўғри кериб, иякни ортиқча кўтармасдан бўйинни ва бошни тўғри ушлаш, қўлларни эркин пастга тушириш ва кафтларни тиззалар устига енгил қўйиб, энгашмасдан ўтириш ва оёқларни елка кенглигида эркин куйлаш каби ҳолатлардан иборатдир.

Қўшиқ айтишдан олдин, хонандалар унга тайёр бўлишлари, маълум ҳолатни эгаллашлари зарур. Бу ҳолат икки хил бўлади: туриб ва ўтириш куйлаш. Агар гавда бўш, бел эгилган ҳолатда бўлса, овоз кучсиз, ёқимсиз чиқади. Шунинг учун бўйинни, бошни бемалол тутиш керак. Шунингдек, юзда зўриқиш аломатлари сезилмаслиги лозим. Умуман, хорнинг туриб куйлаши энг қулай ҳолат ҳисобланади. Баъзи раҳбарлар овоз аппаратини

киздириш процессини туриб (15-20 минут), кўшиқ ўрганишда ўтириб ва ўргатилган асарни туриб куйлашни афзал кўрадилар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, машғулотни бошдан-оёқ туриб ўтказиш хонандаларни жисмоний толиқтиради. Машғулотни ўтириб ўтказиш мақсадга мувофиқ. Фақат юқоридаги кўрсатмага риоя қилиш керак. Хонандаларнинг тўғри куйлаш, ўтириш ҳолатини хор раҳбари доимо назорат қилиб туриши керак.

Ашулачилик нафаси – маълумки, куйлашдаги нафас юилан физиологик нафас ўртасида маълум даражада фарқ бор. Физиологик нафасга бола туғилган кундан табиий ҳолда амал қила бошлайди ва аниқ бир ритмдан, маълум бир вақт оралиғида содир бўлади. Нақас олиш ва уни чиқариш эса кўшиқ жумласининг чўзимига, суръатига ва характерининг ифодаланишига қараб чўзилади. Нафас ритми эса куйланаётган кўшиқ характерига қараб ўзгариб туради ва табиий нафасга нисбатан бироз чуқурроқ олинади. Ашулачилик киши нақас органлари орқали гапиради ва куйлайди.

Демак, вокал-хор ижрочилигининг асосини нафас ташкил қилади. Шунинг учун тўғри нафас олиш вокал-хор техникасининг энг муҳим элементларидан ҳисобланади. У овоз шаклланиши жараёнида фундамент вазифасини ўтайди. Куйлаганда нафас олиш оддий нафас олишдан фарқ қилади. Куйлаганда нафас тез олиндиб, секин чиқарилади. Нафас, яъни ашулачилик нафаснинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. кўкрак қафаси.
2. диафрагма нафаси.
3. қорин нақаси.

Нафас кўкракнинг юқори қисмига олиндиб, шифтлар кўтарилади. Нафаснинг бу тури зарарлидир. Вокал-хор ижрочилигида бу нафас тури қўлланилмайди. Кичик болаларнинг кўкрак нафаси ҳам тор, қисқа эканлиги сабабли, улар нафасни кўкрак билан оладилар, шу боис ашула акитганларида елкаларини кўтариб, шошилиб ва кўшиқ жумласини сўзини бўлиб нақас

олишлари табиийдир. Шунинг учун болаларнинг елкаларини кўтармасдан, осойишта, вазминнафас олиши ва уни кўши жумласининг охирига қадар бир маромда етказиш, айниса, сўзни бўлиб нафас олмасликни ўргатиб бориш лозим. Нафас олиш малакасини устида ишлаш жараёнида болалар диққатларининг овозларнинг куйчан, равон, ёқимли жаранглашига жалб этилади. Бунинг учун гулни хидлагандек осойишта ва шовқинсиз нафас олишга ўргатилади. Ана шу малакани амалга оширишда дарсликларда, кўлланмаларда тавсия этилган вокал-хор машқларини куйлаш, болалар хорларида ижро этилган кўшиқларни магнит тасмалари орқали тингалш каби амалий машғулотларда шакллантирил борилади.

Хорда, яъни кўшиқ куйлашда нафас пастки қовурға-диафрагма усулида олинади. Бу усул хонандаларга олдин тушунтирилиб, кейин кўрсатиб берилиши керак. Бундай нафас олишда биқин ва пастки қовурғалар кенгаяди. Нафас олишда кифтлар, кўкрак қафаси кўтарилмаслиги керак. Тажрибали ашулачиларда нафас юқори кўкракда деярли бўлмайди. Уларда нафас пастга-диафрагмага олиниб, қориннинг пастки қисми ҳаракатда бўлади. Нафасни тежам билан сарфлаш хонанданинг тажрибаси ва маҳоратига боғлиқ.

Болалар машқ ва кўшиқларни куйлаганда ўқитувчининг кўл ишораларига қараб нафас олишга ва уни тежаб, расамати билан жумла охиригача етказишга одатланиб боришади. Айниқса дирижёрлик ҳолатлари “диққат”, “ауф”, “ижрони бошлаш”, “ижрони тугатиш” ларга риоя этиб куйлашга ўргатиш режага солиш учун муҳимдир. Болалар нафаси ҳажмининг имкониятларини ҳисобга олган машқ ва кўшиқларда нафас олиш жойлари олдиндан белгилаб кўйилади ва уларни ўргатиш жараёнида амалга оширилади.

Нафас оғиз ва бурундан бир вақтда олинади. Хаваскорлик хорларида нафас олишни ўргатиш вақтида (якка вокал дарсларида ҳам) кўлларни биқинга кўйган ҳолда нафас олиш, нафаснинг олинишини кузатиш учун кўлларни қовурғалар бўйлаб пастга, ён томонга юрита бериш ва бунда қорин

бўшлиғининг олдинроққа чиқишини ва қовурғаларнинг ён томонга кенгайишини кузатиш яхши натижа беради. Уларга нафасни дирижёрнинг кўл ишораси биланолиб, бир текис, шопилмасдан чиқаришни ҳам ўргатиш керак.

Овозни вужудга келиши мураккаб психологик-физиологик жараёндир. У овоз аппарати (кекирдик, ҳикилдоқ) ва унинг ичидаги конуссимон иккита овоз пардасининг нафас (ўпка трахеялар, кўкрак қисми) ва эшитув аппаратларининг биргаликдаги амалиётида ҳосил бўлади. Томоқда ҳосил бўлган товуш кучсиз ва хишиллаб, садоланиб, унинг нутқ аппарати айниқса бурун бўшлиғи орқали тебраниш кучаяди, ўзига хос тембр ва жарангдорлик хусусиятига эга бўлади. Тўрт орган – нафас, овоз, нутқ ва эшитув аппаратларининг ўзаро фаолиятидаги мусиқий оҳангга куйланадиган овоз-ашулачилик овози деб аталади. Мазкур тўрт аппаратнинг ҳамжиҳатлиги ашулачилик аппарати дейилади.

Нафас асрнинг темпига, жумлаларнинг катта-кичиклигига қараб бир маромда, тез, енгил, текис, чуқур олинади. Демак, нафас олишда гавда эркин ҳолатда бўлишига, кифтларнинг кўтарилмаслигига ва нафаснинг диафрагмага олинишига эришиш зарур.

Нафас олиш тугагач, кўшиқни ижро этишга ўтилади. Нафас олиш кўши айтишга тайёргарлик ролини ўйнайди., нафас чиқариш кўшиқ айтишни бошлаш вақтига тўғри келади. Нафас олиниб бўлгач, маълум қисқа вақтга у ушланади ва чиқа бошлайди. Нафас чиқа бошлаганда овоз пардаларининг таранглашуви натижасида товуш чиқа бошлайди. Нафас тежам билан сарфланиши керак. Кўшиқ айтганда ҳаддан ташқари кўп нафас олиш мумкин эмас. Бу овознинг зўриқиши, шовқинли бўлишига олиб келади. Бундан ташқари, ортиқча олинган ҳаво овоз пардаларининг сиқиши натижасида овозда детонация пайдо бўлади.

Нафа олсш жойи партитурада “V” белгиси билан кўрсатилади. Нафас жумлалар охирида ва янги жумланинг бошида олинади. Фраза ва сўз ўртасида нафас олиш мумкин эмас. Хор раҳбари хорда тўғри нафас олиш ва

уни тежаб сарфлаш усулларини шакллантира боради. Қуйидаги машқлар оғизни юмиб ва очиб бажарилади. Машқларни ўрта регистрда, зўриқмасдан, прима товушларидан бошлаш яхши натижа беради.

1-синфда ўқувчиларнинг овозини зўриқтирмасдан куйлатиш учун ашула айтишни примар (соль₁-ля₁) бўлади, ишчи диапазонни ми₁-си₁. Умумий диапазонни ре₁-до₂ бўлиб, бунга меъёрида мал қилиш лозим. Болалар бош резонаторига асосланган фальцетга яқин овозда куйлайдилар. Болаларни куйлатганда фақат юмшоқ аттака билан бошлаш, ҳеч қачон қўшиқни каттик аттака билан бошламаслик керак. Буни ўқитувчи назорат қилиб бориши шарт.

Хорда кўп ишлатиладиган нафаснинг яна бир тури занжир ёки улама нафас олиш усулидир. Занжир усули айрим полифоник хор асарларида ёки чўзиб туриладиган тоника ва доминанта орган пунктларида узок муддатга нафас олиш мумкин бўлмаган пайтларда қўлланилади. Маълумки, асарнинг бошидан охиригача бир нафас билан қўшиқ айтиб бўлмайди. Кўп овозли, етук асарларни ижро этишда куй узилиб қолмаслиги учун хонандалар бирданига (бир вақтда) эмас, балки навбатма-навбат нафас оладилар, яъни бир хонанда нафас олганда, ёнидаги (партиядаги) иккинчи хонанда ижрони (чўзимни) давом эттиради. Бу хонанда нафасини ростлагач, у бошқалардан ажралмаган ҳолда партияга қўшилади. Шундан кейин партияда иккинчи, учинчи ва якка хонандалар ҳам шу йўсинда нафас оладилар. Натижада куй узлуксиз таралаверади. Бу усул занжир ёки улама нафас олиш дейилади. Занжир нафас олиш малакаларини ўстириш учун ҳар хил гармоник машқлардан, мажор, минор товушқаторларидан фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб хорда қовурма-диафрагма нафас олиш тўғри қўлланилади ва нафас жумлаларга қараб, қисқа, чуқур ва занжир усули билан олинади. Яхши нафас олиш, уни ушлаб ва тежаб сарфлашмалакасига эга бўлиш хорда “таянчли” товуш барпо қилиш имкониятини туғдиради.

Юқорида гапирилгандек, нафас олинганда пастки қовурғалар кенгаяди, қорин бироз олдинга чиқади ва икки чети (биқинлар), детонация

(французча “детонор” – фальш куйлаш) – товушнинг пасайиши. Айрим вақтларда узун жумла учраса, унинг ўртасида нафас олиш ҳоллари учрайди. Натижада қорин мушаклари таранглашади, пресс ҳосил бўлади. Киши куйлаганда гўёки товуш шу нафас прессига – пойдеворига таянади. Хонандаларнинг айтишича, улар шу товуш “таянчини” сезадилар ва субъектив сезгини ўзларига тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Бу тушунча вокал педагогикасида ҳам ишлатилади., вокал ижрочилиги тарбиясида кенг тарқалган. Куйлаш таянчи овозга куйчан тембр, катта укч, енгиллик, энг асосийси – толикмаслик каби ўзига хос муҳим профессионал хусусиятлар беради.

Товуш таянчи бу нафас таянчи билан овоз ва артикуляция аппаратининг биргаликдаги ҳаракатидир. “Таянч” ҳақида ҳар хил, яъни у нафас олиш органларида, мушакларнинг ишлашида, диафрагмада, тишларда ва ниҳоят, ижро қилинаётган заянинг деворларида мавжуд, деган фикрлар бор.

Куйлаш таянчи, нафас чиқариш процессининг куйлаш вақтидаги махсус тормозланиши, яъни кўкрак қафаси деворларининг эркин қаршилиги билан характерланади. Шундай қилиб, “таянч” ни сезиш фақат мушаклар эмас, балки мушак тебраниш иши бўлиб, у нафас олиш аппаратлари фаолиятинигина эмас, балки резонаторлар, асосан кўкрак резонатори ишини акс эттиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, товуш “таянчи” нафаснинг текис ва босим билан чиқишига боғлиқ. Натижада, нафас тежалади ва ҳаво фонация (овоз пайдо бўлиши) пайтида бутунлай товушга айланади. “Таянч” сўзи италянча “aprlare” – овозни ушлаб туриш, деган маънони билдиради. Хорда товуш “таянчи” ни ҳосил қилиш (сезгисини) вокал тарбиясининг муҳим ва ҳал қилувчи элементи ҳисобланади. У хорда барқарор интонацияни вужудга келтиради.

Товуш – овоз аппаратининг маҳсулидир. Товуш ҳосил қилишни фонация (грекча “fono” - товуш) ҳам деб юритилади.

Кўшиқ айтишга монанд товуш овоз пардаларининг тебраниши ҳамда резонаторлар товушни кучлантириши натижасида пайдо бўлади. Демак, ҳосил бўлган товушни резонаторлар кучлантиради ва ҳар хил тембр бўёқлари беради. Резонатор ўзи нима? Резонатор икки хил бўлади: юқори ва пастки.

Юқори – бош резонаторга овоз пардаларининг тепасида жойлашган – ҳикилдоқ, бурун ва оғиз бўшлиқлари киради.

Пастки – кўкрак резонаторига кўкрак қафаси (трахеялар, бронхлар) киради.

Резонаторлар товуш ҳосил қилиш вақтида ўз шаклини, ҳажмини артикуляция аппарати орқали ўзгартириб турадилар. Диапазоннинг юқори регистр товушлари – бош резонатор, пастки регистр товушлар – кўкрак резонатори дейилади. Ўрта регистр товушлари куйлаганда аралаш (бош ва кўкрак) регистрларидан фойдаланилади. Бош резонатор юқори регистр товушларини йиғиб, ниқобдор қилишга ёрдам беради.

Товушнинг баланд ёки паст бўлиши овоз пардаларининг узун ёки қисқалигига, таранглигига ва ҳаво йўлининг босимига боғлиқ. Шунингдек, нафас олиш органларининг паст ёки юқори жойлашишига ҳам боғлиқ бўлади.

Яхши тембрли овоз ҳам бадий ижро воситаларидан бири ҳисобланади. Овоз сифатини яхшилаш устида ишлаганда ифодали ижро назаридан келиб чиқилади.

Вокал-хор тажрибасида овозни “қўйиш” тушунчаси ҳам ишлатилади. Бу эса хонандани тўғри куйлашга ўргатиш демакдир. Овозни тўғри йўлга қўйиш қийин процесс ҳисобланади. У юқорида айтилган қоидалар асосида овоз аппаратининг тўғри ҳолатда бўлиши ва овоз чиқариши, овозни чўзиб тура билиши, нафас таянчига, товуш таянчига эришиш каби жараёнларни ўз ичига олади. Овоз қўйишнинг қийин томонларидан бири – тўғри товуш ҳосил қилиш ва уни шакллантиришдир. Бу иш махсус вокал дарсларида бажарилгандек, хор машғулотларида ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Товушнинг қандай шаклланиши (юмшоқ ёки қаттиқ бўлиши)

“ниқобдор”, яъни оғиз бўшлиғининг кенгайиши ва “гумбаз” шаклини олиши, жарангдорликнинг юқори (бош), ўрта (аралаш – бош ва кўкрак), пастки регистрларда (кўкрак) бўлиши тўғрисида кўрсатмалар берилади.

Хорда овознинг “очик” (“оқ товуш”) бўлишига йўл қўймаслик керак.

Раҳбар овоз “қўйиш” жараёнида ҳар хил усуллар қўллаши мумкин. Масалан, унлилар талаффуз этганда оғизни ярим ёпиқ ҳолда, товушни йиғиб, чиройли шаклда чиқариш, бунинг учун “а” товушидан фойдаланиб, уни ярим “о” га яқинлаштириш ёки “у”, “э”, “е”, “и” унлиларидан фойдаланиш кабилар.

Овозни жуда ҳам “ниқобдор” қилмаслик керак, акс ҳолда “а” товуши “о” га, “е” товуши “ё” га айланиб, сўзларнинг талаффузи бузилиб, баъзида хатто маъноси ҳам ўзгариб кетиши мумкин. унли товушларни тўғри ўзлаштиришда оғиз бўшлиғи ва лаблар ҳолати алоҳида роль ўйнайди. Киши эснаганда томоқ бўшлиғи кенгайди. Товуш барпо қилиш жараёнида ҳам энгил “эснаш” ҳолатидан фойдаланилади. Бу ҳолат оғиз бўшлиғининг орқа томонида ҳосил қилинади. Энгил эснаш ҳиқилдоқни кенгайтиради ва эркин ҳолатга келтиради. Бу ҳолатда юмшоқ танглай бир оз кўтарилади, энгил эснашни нафас олишда сезиш ва ҳиқилдоқнинг шу эркин ҳолатини бутун ижро давомида сақлаш керак. Чунки оғиз бўшлиғининг кенг очилиши овоз аппаратининг эркин фаолиятини таъминлайди. Натижада, овоз эркин ва жарангдор бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, хорларда қаттиқ, шовқинли, бақариб куйлаш ҳоллари учрайди. Одатда, бундай хорлар яхши созга, ансамбльга эга бўлмайдилар. Хор раҳбари бундай хатоларнинг олидини олиши, вокал тарбиясига тўғри ва ҳар томонлама ёндошиши керак.

Хорда вокал тарбиясининг асосий шартларидан бири – регистрларни текис яшаш, ғ, а товушларининг аралаш (микс) асосига эришиш ҳисобланади.

Маълумки, киши овози маълум миқдордаги товушлардан иборат бўлиб, улар паст, ўрта ва баланд қисмларга – регистрларга бўлинади. Регистрдан регистрга, яъни пастки, ўрта, юқори регистрларга ўтишида овоз ўзгаради. Масалан, баъзи тажрибасиз хонандалар овозида регистрдан

регистрга ўтиш жараёни равон, бир текис бўлмайди. Шунинг учун ёш тажрибасиз хонандалар овозини ўзгартирмасдан, ҳамма регистрларда бир текис силлиқ чиқариш, айникса, юқори (бош) регистрга ўтишда овозни ярим ёпиқ ҳолда куйлашга ўргатиб бориш учун раҳбар бошчилигида мунтазам машқ қилиб туриш зарур. Ярим ёпиқ (“ниқобдор”) овозда куйлаш асосан, академик хор услубига мансубдир.

Хор адабиётида ҳам бошқа мусиқа санъатида бўлгани каби ҳар зил ижро белгилари мавжуд. Масалан, оҳанг бир текис, бир тартибда янграса – легато, ялоҳида боғланмасдан янграса – нон легато, узиб-узиб ижро этилса – стаккато ва алоҳида-алоҳида, таъкидлаб таралса – маркато дейилади.

Легато – мусиқа санъатида, шунингдек вокал-хор ижрочилигида кенг қўлланиладиган асосий штрихдир.

Маркато – легатога нисбатан кам ишлатилади.

Нон легато ва стаккато штрихли асарлар тез-тез учраб туради. Масалан, Дж.Вердининг “Риголетте” операсидан “Тише-тише” эркаклар хори бошидан-охиригача стаккатода куйланади. Шунингдек, А.Рубинштейннинг “Демон” операсидан “Ноченька” эркаклар хорининг 2-қисми М.Бурҳонов қайта ишлаган аффон халқ қўшиғи “Чашми сиёҳ” акапелласининг муқаддимаси ижросида нон легато ва стаккато белгилари қўлланилади.

Артикуляциянинг яна бир усули – бу цезурадир. Цезура кенг маънода асарнинг қисмлари чегараси. У сезилмасдан, паузадай бажарилади. Хорда цезура вақтида нафас олинади. Цезура товушлар орасида ҳам учрайди. У шундай “V” белгиланади. Цезура тўғрисида турли хил тушунчалар мавжуд. Масалан, П.Левандо катта, кичик паузаларни цезура деб ҳисоблайди.

Нафас олиш тугаб, товушнинг бошланиши атака дейилади. Атака италянча “attacare” – ҳужум қилмоқ деган маънони билдиради. Атака сўзи вокал-хор, шунингдек бошқа мусиқа жанрларида ҳам қўлланилади. Вокал-хор ижрочилигида юмшоқ, қаттиқ ва нафас олингандан сўнгги атака турлари мавжуд. Товушнинг юмшоқ, майин бошланиши билан кучсиз жипслашади.

Товушнинг қаттиқ, кўкқисдан пайдо бўлиши (чиқиши) қаттиқ атака дейилади. Қаттиқ атакада овоз пардалари нафас чиқишдан олдин қаттиқ жипслашади.

Нафас олингандан сўнгги атакада овоз пардалари нафас чиқа бошлагандан сўнг кучсиз жипслашади. Бундай атака кам (ожизлик, кўрқоқлик ифодалари учун) қўлланилади.

Товуш атакаси асарнинг характериға боғлиқ бўлади. Атака ифодали ижро воситаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам асар характериға мос овоз тембри ишлатилади.

Товуш атакаларини ўзлаштиришда овозни ҳар доим юмшоқ атакадан бошлаш яхши натижалар беради. Юмшоқ атакада овознинг кенглигига, майинлигига, “ниқобдор”лигига тезроқ эришилади. Аксинча, кучли ҳосил қилиш, ўта жарангдорликка эришиш учун тўсатдан ҳаракат қилиш яхши натижа бермайди.

Юмшоқ атакадан фойдаланганда товуш “таянч” сиз, мажҳул бўлмаслиги керак. Қаттиқ атака марш характеридаги асарларда кўп қўлланилади. Шунингдек, ваҳма, дахшат, қаттиқ изтироб чекиш, фиғон, тантана, шодлик каби ифодаларда қаттиқ товуш атакаси қўлланилади. Қаттиқ атакадан товуш ҳосил қилишда, таъкидлаганимиздек, овоз қичқириққа ўхшаб чиқмаслиги керак, акс ҳолда овоз пардалари ўта жипслашиши мумкин. Бу ҳол овознинг бузилишиға олиб келади.

Шундай қилиб, товуш ҳосил қилиш ва уни шакллантиришда нафас олиш ва чиқаришда, артикуляция аппаратини тўғри ишлатилишини хонандалар томонидан яқдиллик билан бир хил бажарилишиға эришиш лозим.

Кейинги масала эса, ушбу ҳосил бўлган товушнинг софлигига эришиш, (хусусан, юқори регистрда) яъни товушни юқори позицияда куйлаш, бунинг учун бош резонатордан фойдалана билиш керак.

Овоз юқори (бош) резонаторда кучланганда, бошнинг маълум нуқтасида ўзига хос тебраниш юз беради. Бу бош “маска” сида содир бўлади.

Ана шу тебраниш нуктаси “маска” нинг ҳар жойида сезилади. Масалан, сопранода ковоқда, қошлар ўртасида, тенорда танглайда ва шу кабилар. Товушнинг бош томонга йўналтирилиши ва тебраниш нуктасини сезиш, ҳар бир хонандага овозининг юқори позициясида жаранглашига имконият беради. Куйлаганда юқори позицияни сезиш учун уни олдин ҳаёлан тасаввур қилинади ва товуш бош томонга йўналтирилади.

Юқори позицияда куйлаш хорни тоза ва аниқ интоннацияга (созга) эга қилади. Бу хор учун энг керакли ва муҳим омиллардандир. Хорда юқори позицияда куйлашни ўзлаштириш учун оғизни юмиб куйлаш усулидан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, оғизни очиб, “и”, “э”, “у” унлилари ёрдамида машқ қилиш, юқори оовушларни шакллантиришга ва юқори позицияни англашга ёрдам беради.

Хонандалар машғулотнинг айрим вақтларида овозларини толиқтирмаслик ва тежам учун юқори регистр товушларини ярим овозда – фальцет билан куйлайдилар.

Фальцет – италянча “falso” – сохта демакдир. Фальцет билан куйлаганда юқори (бош) резонатордан фойдаланилади. Овоз пардалари аранг жипслашади, товуш эса кучсиз, тембр бўёқларисиз оҳанг таратади. Фальцет хор асарларида кам қўлланилади. У баъзи ҳоллардагина ўзига хос ифода, бўёқ сифатида ишлатилади. Бундан ташқари ўрганилаётган асардаги баланд товушлар ўзлаштирилгунча, фальцет билан айтилади (хусусан тенор партиясида). Бу усулда машқ қилинганда овоз толиқмайди. Фальцет дирижёр томонидан тон беришда ва иш жараёнида ҳам қўлланилади. Хонандалрнинг, хусусан дирижёрнинг фальцетдан фойдалана олиши жуда муҳим роль ўйнайди.

Хор санъати – муסיқа ва адабий поэтик ижодиётни органик бирлаштирувчи санъатдир.

Асардан адабий текст сўзларини тингловчиларга етказиб бериш воситаси дикция дейилади. Дикция асарнинг ғоявий мазмунини очиб беришда муҳим роль ўйнайди. Агар сўзлар поэтик фикрни аниқлаштира,

музыка уларни эмоционал бўёқлар билан чуқурлаштиради. Демак, вокал-хор музыкасида сўз ва бадиий образ яратади. Дикция лотинча “cicio” - нутқни билдиради.

Аниқ талаффуз техникасига эга бўлиш хор ижрочилигининг зарур элементларидан бири ҳисобланади. Зеро, дикция аниқ сўз талаффузи экан, у ижродаги бадиий ифода ҳамдир. Хорда сўз ва музыка бир-бири билан боғлиқ экан, ҳар иккаласи устида ҳам жиддий иш олиб борилади. Бу эса раҳбар ва кўшиқчилар олдида маълум қийинчиликлар туғдиради. Маълумки, музыка тексти билан адабий текст мазмуни тингловчиларга уйғунликда, бир бутун ҳолда эшитилиши керак.

Хор раҳбари хонандаларга асар текстини тўғри ва аниқ талаффуз қилишни ўргатиш билан чекланмасдан, сўзларни қандай талаффуз қилишни билиши, мантикий урғуларга, орфоэпия (сўзнинг жонли тилдаги талаффузи) қодаларига риоя қилиши зарур.

Маълумки, биз унли товушлар орқали куйлаймиз, овозни чўзамиз. Шунинг учун хорда сўз талаффузи тарбиясига катта эътибор қилинади.

Хорда олиб бориладиган вокал-хор ишлари сўз талаффузи (дикция) га жуда ҳам боғлиқ бўлади. Сўзнинг аниқ ва тўғри талаффузи овознинг интонациясига, сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Машҳур ашулачи Ф.И.Шаллпин “яхши айтилган сўз – унинг ярим куйланганлигидир”, деган эди.

Умуман талаффуз уч хил бўлади: кўшиқчилик, кундалик турмуш нутқи ва сахна нутқи. Сахна нутқи кўшиқчиликка яқинроқ, лекин у товушларнинг барқарорлиги, овоздаги тез глиссандолар билан фарқ қилади.

Музыка асарларида муаллиф томонидан сўзлардаги урғулар, асар темпи, куйи ва тонлиги аниқланган бўлади. Шунга қарамай, хор асаридаги адабий текст устида иш олиб борилганда, аввало хонандаларга асар сюжети, ғояси, образлари тушунтирилади, текстни ифодали ўқиб берилади. Шунингдек, тўғри талаффуз устида орфоэпик машқлар қилинади, сўнг (ёки параллел равишда) дикция устида ишлашга ўтилади. Бу ишларни кўшиқ

ўргатиш жараёнида олиб бориш яхши натижа беради. Сўз ва куй бир вақтда боғланган ҳолда ўзлаштирилади.

Дикциянинг аниқ бўлиши нутқ аппаратининг қандай жойлашганлиги ва ишлашига боғлиқ. Овоз пардалари, тил, лаблар, юмшоқ танглай, қаттиқ танглай, жағлар, тишлар артикуляция аппаратини ташкил қилади. Улар актив ва пассив бўлади. Тишлар, юқори жағ, қаттиқ танглай пассив ҳисобланади.

Артикуляция – латинча “articulo”– бўлиниш деган маънони билдиради. Дикциянинг аниқ (тушунарли) ё ноаниқ бўлиши артикуляция аппаратининг актив ёки пассив бўлишига боғлиқ.

Орфоэпия – грекча “ogrozerag”– тўғри нутқ маъносини билдиради ва шу ҳақидаги фандир. Шуни ҳам айтиш керакки, кўшиқ айтганда артикуляцияни ҳаддан ташқари активлаштириш ҳам яхши эмас. Қаттиқ талаффуз фақат маълум сўзларда ишлатилиши мумкин.

Артикуляция аппарати органларини активлаштириш учун турли хил машқлардан фойдаланиш мумкин. Масалан, пастки жағ ҳаракатини активлаштириш учун “на”, “ма”, “да” бўғинларидан фойдаланиб машқ қилиш мумкин.

Маълумки овоз унли товушлар ёрдамида чўзиб турилади.

Тўғри талаффуз қилишда ундош ва унли товушларни ўзаро муносабати катта аҳамиятга эга бўлади.

Шуни унутмаслик керакки, унли товушларни ўзлаштиришда ундош товушларнинг аниқ талаффузи муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун дирижёр доимо ундош товушларнинг аниқ эшитилиши устида иш олиб бориши керак. Чунки ундош товушлар унлиларга қараганда қисқа талаффуз қилинади, ундош товушлар қаттиқ талаффуз қилинганда ҳам уларнинг садоси унлиларга қараганда бир неча бор паст бўлади. Масалан, “Тошкент”, “Москва” сўзларида ундош “тиктнт” ва “мскв” товушлар аниқ айтилиб, унли товушлар туширилиб қолдирилганда ҳам бу сўзларни тушуниш мумкин. Ёки шу машқларда ундош товушларни баланд ва унлиларни паст овоз билан айтиб, ундошлар талаффузини яхшилаш мумкин. Бу эса унлиларни тўғри

ўзлаштиришга олиб келади. Шунингдек, сўз охирида келадиган ундошларни тўғри ва аниқ талаффуз этмаслик, сўзнинг маъносини англашга халақит беради. Хусусан, сўз охиридаги ундошларнинг баравар ижро этилмаслик ҳоллари кўп учрайди. Бундай ҳолларда жумла охирида хонандаларнинг баравар ва аниқ талаффуз этишига эришиш керак.

Дирижёр машқ пайтларида хонандаларда оғиз ҳолатининг (артикуляциянинг) тўғри ёки нотўғрилигини тузатиб туриши ва ўзи тез-тез кўрсатиб бериши яхши натижа беради.

“Им”, “иш”, “пш” учун қилинадиган машқлардан айрим намуналар келтирамиз. Лабларнинг активлиги учун лаб ундошлари б, м, п, в, ф ва лаб унлилари о, у, ю товушларидан ну, му, мо, ю, бу, ку каби бўғинлар тузиб талаффуз қилиш мумкин.

Тил активлигини ошириш учун ундош д, з, к, л, н, р, с, т, ц, ч, ш ва унли товушлардан иборат ля, лё, лю, ле ва ҳоказо бўғинлардан тузилган машқлардан фойдаланиш мумкин. Барча унли (а, о, и, э, я, у, е) товушлар сўзнинг асосан вокал элементлари бўлиб хизмат қилади. Хор коллективининг машғулоти хонандалар овозини кўшиқ айтишга тайёрлашдан бошланади. Кўшиқчиларнинг овоз аппаратини маълум машқлар билан иш ҳолатига келтирмай (қиздирмай) кўшиқ айтиб бўлмайди. Бунда овоз аппаратини “қиздириш” дан ташқари, хонандаларнинг вокал-эшитиш қобилиятини созлаш ҳам кўзда тутилади.

Овоз аппаратининг “қиздириш” ва эшитиш жараёни 10-15 минут ва ундан кўп давом этади. Бу иш профессионал хорларда иш куни, хаваскорлик хорларида ҳар машғулот куни бажарилади.

Овозни тайёрлаш машқлари маълум тартибда ўтказилади. Бу машғулотларда тўғри овоз позициясига ва нафасга, яхши ансамбль ва созга, бир хил овоз ҳосил қилишга ва яхлитлик, жарангдорликка эришилади.

Бундан ташқари, хорнинг вокал-хор техникаси мустаҳкамланади. Айниқса, артикуляция аппаратининг активлиги ошади. Шунингдек, овозни тайёрлаш ва “қиздириш” машқлари қилинганда, овозни ривожлантириш,

унинг диапазодини кенгайтириш, сўз талаффузининг аниқлигига эришиш, гармоник қобилиятни ўстириш каби муҳим ишлар кўзда тутилади. Машғулоти ўрта регистр, ўрта динамика, секин темпода оддий машқлар билан унисонда бошлаб, секин-аста гармоник (икки, уч ва тўрт овозли) ва полифоник тузилмаларга ўтиш мақсадга мувофиқ.

Овозларни “қиздириш” ва тайёрлаш бутун хор билан ёки партиялар билан алоҳида-алоҳида ва уларни қўшиб ўтказиш ҳам мумкин. Масалан, аввал пастки – бас, альт партиялари, кейин тенор, сопранолар билан ёки олдин эркаклар хори, сўнг аёллар хори билан ўтказиш, кейин эса умумий хор билан машқ қилиш мумкин. Юқори позицияга эришиш учун яхшиси, юқоридан пастга қараб (оғизни юмиб) машқ қилиш фойдали.

Хорни қўшиқ айтишга тайёрлаш учун ишлатиладиган машқларни дирижёрнинг ўзи тузиши мумкин ёки методик қўлланмаларда берилган машқлардан, хор асарларидан намуна олиб, фойдаланиш ҳам мумкин.

Кўпинча унлилар орқали товушни ҳар хил характерда (бир текис – легато, узиб-узиб стаккато, алоҳида-алоҳида босиб – нон легато) чўзиш мумкин.

Машқлар жўрсиз ёки фортепиано жўрлигида олиб борилади. Лекин кўпроқ а-капелла устида машқлар қилиш мақсадга мувофиқдир. Фойдаланиш учун махсус тузилган машқлар билан бир қаторда, ўргатилиши керак бўлган хор асарига боғлиқ машқлар ҳам олинади. Махсус машқлар комплексининг асосини ташкил қилади.

Овозни созлашни октава – унисондаги машқлардан бошлаш маъқул. Кейин икки овозли машқларга ўтилади. Сўнг уч овозли машқларга ўтилади. Ниҳоят, тўрт овозли гармоник ва полифоник тузилмаларга ўтиш мумкин. Масалан, бир машқда легато, нон легато ва стаккато каби икки, уч хил штрихлар қўллаш мумкин. Натижада вокал хор техникасига оид бир неча вазифа бажарилади. Хорда вокал-хор техникаси устидаги ишни нафақат овозни қўшиқ айтишга тайёрлаш вақтида, балки бутун машғулот давомида вокал-хор ишлари билан боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Соз ҳар бир боланинг берилган мусиқа товушини аниқ идрок этиб, ўз овозини унга мослаб куйлашни, созланиш деган маънони англатади. Бошқача қилиб айтганда, созланиш маълум баландликдаги товушни аниқ интоннация қилиш демакдир. Бу муҳим малака бўлиб ҳисобланади., чунки бошланғич синфдаги вокал-хор ишларининг асосий мақсадларидан бири соф унисон (соф 1 овозлик куйлашга) эришишдан иборат. Шунинг учун биринчи дарсдан бошлаб болаларда созланиш малакаларини ривожлантириш устида системали иш олиб борилади. Айниқса, мусиқа ўқитувчиси томонидан сустривожланаётган болаларга эътибор кучайтирилади. Уларни ўқитувчи овозига, чолғу асбобларига соз учун берилаётган товушга ва иқтидорли болалар овозига қўшилишига ва товуш баландлиги билан баробарлашишига, яъни тенглашишига даъватэтилади ва интоннацион соф созга эришилади ва бир хил баландликда куйланадиган машқлар орқали амалга оширилади.

Ансамбль хорнинг асосий элементларидан бири бўлиб, товушлар садосидаги бирлик, аниқ темп ва ритмда овозларнинг тембрига кўра ҳамоҳанглиги хор ва жўр, солист ва хор овозининг уйғунлашуви натижасидир.

Хор ансамбљи мусиқа ансамблларининг энг кенг ва қийин турларига киради ва ўз ичига кўп сонли ижрочиларни олади.

Ансамбль сўзи (французча “ensemble”) – бирга, яъни ҳамоҳанглик демакдир.

Ансамбль кенг маънода ишлатилади. Масалан, архитектура ансамбљи, мусиқа ансамбли ва ҳоказолар. Ансамбль мусиқа, балет, архитектура санъатларининг қонуниятларидан биридир. Мусиқа бир неча ижрочиларнинг биргаликдаги ижроси ансамбль дейилади. Масалан, Ўзбек халқ чолғу асбоблар ансамбли, Рақс ансамбли, Вокал чолғу асбоблар ансамбли, Ашула ва рақс ансамбли, вокал ансамбли ва бошқалар. Хорда барча хонандаларнинг соз бирлиги, ижро темпи, ритм, усул ва динамик уйғунлиги вокал-хор ансамбли дейилади. Ансамбль хусусий ва умумий турларга бўлинади. Хордаги барча ижрочиларнинг бир овозга созланиб, ҳамма куйда ансамбл бўлиб икки ёки уч овозда куйлаш умумий ансамбл

дейилади. Ҳар овозни алоҳида-алоҳида сози ва ансамбли хусусий ансамбль дейилади. Соз ва ансамбль уйғунлиги узок иш жараёнини талаб этади ва шундан кейин биринчи синфда асосий мақсад қўйилган соф унисонга эришиш мумкин бўлади.

Куйлашдаги талаффуз нутқ талаффузидан фарқ қилади. Бунда артикуляция органлари (лаб, тил, жағ) нинг актив ҳаракатдаги ҳамжихатлиги бунинг воситасида ифодали талаффузга эришиш мумкин. Болалар нутқида заифлик, ноаниқлик, овоз аппаратини сиқиб гапириш натижасида, хорда бақириб куйлаш нуқсонларига учрайди. Бундай болаларга эътиборни кучайтириш ва улар билан вақт якка тарзда иш олиб бориш, шошмасдан эркин гапириш ва куйлашга ундаш лозим. Энг муҳими, болаларни машқ ва кўшиқлар матнини вокал усулларига мувофиқ талаффуз этишга ўргатиб бориш лозим.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, хор ансамбли икки асосий кўринишда бўлади – хусусий ва умумий ансамбль.

Хусусий ансамбль – маълум бир партиядagi овозларнинг қўшилиши, уйғунлиги. Демак, алоҳида бир партия товушларининг уйғунлиги (бемалоллиги) хусусий ансамбль дейилади.

Умумий ансамбль – хордаги ансамблларнинг қўшилиши, яъни хор партияларининг ҳамоҳанг садоси.

Тўртта (сопрано, альт, тенор, бас) партиянинг қўшилиши ва уйғунлиги умумий ансамблни ташкил қилади.

Хор партияларида бирор хонанданинг овози ўзига мансуб партияга қўшилмаса (ажралиб турса) ўша партияда ансамбл бўлмайди.

Хор ансамбли куйидаги элементлар билан боғлиқ. Улар:

- горизонтал интоннация;
- овоз характери (тембри);
- овоз кучининг динамикаси;
- товушларнинг чўзими (ритм);
- ҳаракат бирлиги (агогика);

- талаффуз бирлиги (динцил-орфоэпил) ва бошқалар.

Бугунги хоршуносликда қуйидаги тушунча ва терминлар мавжуд:

- интоннация ансамбли;
- соз ансамбли;
- тембр ансамбли;
- динамик ансамбл (партиялардаги овоз кучининг тенглиги);
- агогик ансамбли;
- дикцил орфоэпик ансамбл;
- тесситура ансамбли;
- фактура ёзуви ансамбли.

Қайд қилинган ансамбл элементларидан бирортаси бузилса, умумий хор ансамбли ҳам бузилади.

2.2. Дарсдан ва мактабдан ташқари шароитларда ўқувчилар хор жамоаларини ташкил этиш йўллари

Хозирги даврда фан ва маданият энг сўнгги ютуқлари асосида келажакимиз бўлган ёш авлодга ҳаётга тайёрлашнинг самарали шакл ва услубларини излаш ниҳоятда зарурдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги фармонида кўрсатилганидек, жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафқурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний кадриятрга, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимиздаги амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ҳал қилувчи омилидир. Дарсдан ташқари тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш аввало, комил инсонни шакллантиришнинг энг замонавий ва қулай йўналишларини топиб жорий этишга боғлиқ.

Тарбиявий ишларни давр талабига жавоб берадиган ҳолга келтириш учун тарбиянинг асоси бўлган барча ғоялар қайтдан кўриб чиқилиши асосий эътибор бола шахсига қаратилиши, йиллар давомида тўпланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланиш зарурлигини тақозо этади. Эстетик тарбия ҳиссиётининг шаклланиши ва ривожланиши, гўзалликни тушуниш ва унга ташналик, шунингдек, шахс тарбиясининг ажралмас қисми бўлган гўзаллик қонунлари асосида яшаш ва яратишга интилишдир. Йиллар давомида ва турли босқичларда олиб бориладиган ўқувчиларнинг эстетик тарбияси турлича тузилиши зарур. Машғулот шакли, мақсади, мазмуни, педагогик жиҳатдан ўзига хослиги, шунингдек иш режалари фан мантиқи ҳисобга олган ҳолда, болалар ёши ва имкониятига кўра мосланиши лозим. Ўқувчиларни серқирра, аторфлича таъсир этувчи эстетик қадриятларга йўналтириш лозим. Биринчи навбатда, миллий қадриятлар, она замин табиати, миллий халқ санъати, Шарқнинг, Ўзбекистоннинг бадиий маданияти тарихига муҳаббат туйғусини шакллантириш. Бу борада асосий манбаа сифатида бадиий-эстетик қадриятларни, қадимий санъат турларини танлаш зарур. Миллий анъаналарга бой адабиёт, тасвирий санъан, айниқса шарқ миниатюра санъати, хайкалтарошлик, мусиқа ва санъатнинг бошқа турлари (театр, цирк ва хоказолар) халқнинг ўтмишидаги ва замонавий турмуш тарзи, яшаш жойи, кийиниши, меҳнат қуроллари ва ҳоказо.

Миллий санъат тарихига, этнографиясига, меъморчилигига ва анъанавий санъат турларига алоҳида эътибор зарур. Ўқувчиларни тарбиялаш жараёнида халқ педагогикаси асосларига таяниш Шарқ мутафаккирларининг доно мулоҳазаларидан, шунингдек, жаҳон умуминсоний қадриятларидан фойдаланиш лозим.

Мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари олдида турган вазифа ягона ички эстетик тарбиянинг тизимларини яратишдир. Бу тизимлар шахснинг ҳар томонлама яхши ривожланиш бутунлигини белгилайди. Бу аниқланган билимлар тизими, яъни эстетик туйғулар қизиқтиришларни сингдириш, ўрганиш, фикрлаш, мулоҳаза этиш, муносабат, баҳолар, ғоялар

мукаммал билимни ошириш ва ўз-ўзини тарбиялашдир. Дардан ташқари ишларда эстетик ишларда тарбия мазмунини биринчи навбатда тизимли татбиқ этишга кўра уч вазифа бирлиги – таълимий, ривожланиб бориш, психологик ва педагогик жараёнлар муштараклигига, таълим жараёнида ва жамият талабларини эътиборга олишга, янгича билимларга амал қилиш ва ҳоказолар. Улар асосида ўқувчи шахсиятига нисбатан йўналиш белгиланади. Бу мақсадларга эришиш учун ўқувчилар билан тўғарак, санъатнинг айрим турларини, жаҳон ва миллий маданиятини ўрганиш ва бошқа тарбия шаклларида фойдаланиш мумкин. Дардан ташқари ишларнинг барчасида амалга оширилаётган ва яна қайта тикланаётган турли датурларида шахс шаклланишига, маънавий маъсулият билан яшашга ўргатишни шакллантиришга эътибор қаратиши лозим. Айниқса, ўрта ва катта ёшдаги ўқувчиларни ўз билим ва малакаларини мустақил амалга оширишларини ўргатиш керак. Эстетик тарбиянинг янги шакллари ва мазмунини топиш зарур. Жумладан, фольклор, миллий ансамбллар, миллий рақс ва кўшиқлар, санъатнинг миллий-анъанавий турлари назарияси ва тарихини ўрганиш, қадимий эстетик тарбия восита услубларини тиклаш лозим. Қобилиятли ва истеъдодли тарбияланувчиларга алоҳида муносабатда бўлиш керак (оммавий тадбирлардан кенг фойдаланиш, суҳбатлар, маданият, санъат намоёндалари билан учрашув, конференциялар, ҳисобот чиқишлар, “Наврўз” халқ байрами, рақс байрами, болалар бастакорлари билан учрашувлар, “Кўшиқ оламига саёҳат”, “Бир кўшиқ тарихи”, “Ялла ва лапарлар”, “Халқ кўшиқлари байрами”, “Мақом кечаси”, “Саҳна усталари билан учрашув” каби тадбирлар ва ҳоказолар). Ўқувчиларни музей, кўрганма, театр, концерт каби маънавий ўчоқларига, маданият ва меъморчилик обидаларига, табиатнинг гўзал масканларига боришни ташкил этиш ва улардан олган таасуротларини ўртоқлашишга ўргатиш зарур.

Эстетик тарбиянинг асосий мазмуни исталган соҳадаги дардан ва мактабдан ташқари машғулотлар тарбиянинг ягона қоида ва услубларини ташкил этади. Яъни санъатнинг аниқ турлари ва ифода воситаларининг ўзига

хослиги (сўздаги, тасвирдаги, мусиқа ва ҳоказо) замирида, ифоданинг бадиий воситаларининг амалий ўзлаштириш натижасидир. Бу борада асосий вазифа тўлақонли бадиий ва ижодий асарни чуқур ҳис этишдир., шунингдек, миллий ва тарихий санъат шакллари билан қарашни, ўқувчининг ўқувчилар ва тарбиячилар билан ўзаро суҳбатларини, эстетик ва бадиий ҳис этиш фаолияти давомида ўқувчиларнинг мустақил ижодкорлигини, турли ўйинларни, дидактик саҳна ўйинларини болалар орасида уларнинг билим ва қобилиятига қараб иш шакллари тузиш керак. Инсон шахсининг шаклланиши ниҳоятда тинимсиз ва мураккаб жараён бўлиб, унда кўплаб факторларнинг таъсири бир, буларнинг айримлари тарқоқ, айримлари мақсадга йўналтирилгандир.

Инсонни атрофини қуршаб турган воситалар тарбиялайди: оиласи, отн-онаси, мактаб, дўстлар, атроф-муҳит, оммавий ахборот воситалари, санъат, адабиёт, табиат ва ҳоказолар. Боланинг ривожланиш жараёнини бошқариб бориш керак, инсонни биологик ижтимоий асосини ташкил қилувчи, ўзини тарбиялаш ва тарбиянинг бирлигини таъминлаган ҳолда уни шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатадиган муҳитдан ҳимоя қилиш лозим.

Тарбиянинг етакчи мақсади сифатида асрлар давомида шахснинг ҳар томонлама камолотга эришуви ғояси асос бўлиб келади. Шахснинг ҳар томонлама камолотга эришуви бу унинг айрим қирралари ёки ҳислатларининг тўлақонлилигини, жисмоний, ақлий, сиёсий, эстетик қарашларини йиғиндисини ўз ичига олади:

- ёшларни фалсафий дунёқарашга тайёрлаш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишда кўмаклашиш, ўзини ўзи идора ва назорат қила билишни шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, уларда режа ва амал заруратини уйғотиш;

- ўқувчиларни умуминсоний ва Ватанимиз қадриятлари, бой маданияти билан ошно қилиш, мадани ва диний билимларини эгаллашга

бўлган талабларини шакллантириш, малакаларини ошириш, уларни тобора бойитиш, эстетик тушунчаларини шакллантириш;

- ҳар бир ўсмирнинг, йигит ва қизларнинг табиий билимдонликларини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш. Уларни инсон фаолиятининг турли соҳаларида жорий қилиш. Болалар ижодкорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва янада ривожлантириш учун шарт-шароит ҳозирлаш;

- умуминсоний инсонпарварлик ахлоқий меъёрини шакллантириш, меҳрибонлик, бир-бирларини тушунадиган, шафқатлилик, ирқий ва миллий камситишларга тоқатсизлик, муомала одоби, зиёлилик маданияти каби тарбия чоралари, ноҳақликка, ёлғончилик, тухмат, чақимчиликка тоқатсизлик кенг қўлланилиши лозим;

- қонуний жамоа ахлоқи ва турмуши қоидаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш, шахснинг ноёб қирраларини белгилаб берадиган фуқаролик ва ижтимоий маълумот ҳиссини ривожлантириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг равнақи йўлидаги инсоният тараққиётини барқарор сақлаб қолишга ғамхўрлик, экологик тарбиялаш, ватанпарварлик, дунёвий фикрлаш, тилга муносабат ва уни ўрганиш, ўз халқига, давлатига, унинг ҳимояси учун ҳамиша шай бўлиб туриш, Ўзбекистон Республикаси рамзлари, бошқа давлатларнинг рамзларига ҳурмат билан қараш, турмушда энг олий қадрият ҳисобланган меҳнатга бўлган ижодий муносабатларни тарбиялаш, меҳнатга ижодий ёндошиш тадбирларини кучайтириш, ижтимоий мақсадларга интилиш каби ҳислатларни тарбиялаш, амалий муносабатларда тадбиркорлик, тўғрисиқлик ва маъсулият ҳиссини тарбиялаш;

- соғлом турмуш тарзида яшашга бўлган интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила ҳомийси бўлишга интилиш. Ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатига ва уларнинг оқибатларига маъсулият билан қараш ҳислатларини тарбиялаш учун шароит ҳозирлаш ва уларни жорий этиш. Инсонни атроф-муҳит таъсири, одамларни ва ўзаро муносабатларида юқоридагиларга амал қилиш;

- мустақил давлат бўлган Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва ҳолисона баҳо беришни тушунтириш. Унинг тинчликсеварлик, демократик ва бошқа давлатларнинг ишига аралашмаслик, бетарафлик, ошқора, очик ташқи сиёсий ва ўз халқини турмуш даражасини оширишга йўналтирилган, уни ижтимоий ҳимоя қиладиган ички сиёсатини тўғри тушунмоқ ва тушунтирмоқ лозим;

Тарбиянинг асосий тизими қуйидагилар бўлиши мумкин:

- тарбияга шахсий муносабат, ривожланган инсон шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлигини тан олиш;

- тарбия-фикрлаш, ҳиссиёт ва ҳатти-ҳаракатларни шакллантиришдаги бутун жараён бўлиб, мақсадга мувофиқ тарзда уни бошқариб туриш;

- миллий ўзига хослик, халқ маданияти, миллий этник урф-одат каби анъаналари воситаларига таяниш. Лекин тарбиянинг миллий “бунёдкорлиги” ёш авлод яшаши лозим бўлган кўп миллатли ва жаҳон маданияти бойликларига қизиқишга интилишларини инкор қилмаслик лозим;

- ўқувчиларни ҳаётий фаолиятини ташкил этиш табиявий жараённинг асосини ташкил қилади. Бола, ўсмир, йигит ва қизлар муносабатлари, болалар фикрига эътибор қилиш, уларга меҳрибонлик билан муносабатда бўлиш. Бу масалаларни бирламчи шароитлари юзага келтирган ҳолдагина таълим ва тарбия жараёни қўшиб олиб борилган тақдирдагина амалга ошириш мумкин, қўллашда ўз тактика ва стратегиясига таянишга имконият берилса, бу соҳада ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Шунга аҳамият бериш лозимки, амалда тарбиявий жараён умумий ва узлуксиз бўлсин, барча ёшдаги болаларни қамраб олсин, мажмуий инсон ҳаёти фаолиятини барча жиҳатларини акс эттирувчи турли услубларни ўзаро боғлаб турувчи, унга таъсир ўтказувчи ва уни ривожлантирувчи ва йўлловчи воситалар, тарбияни барча томонлари гармоник тарзда бўлиши, турли

ижтимоий, жамоат ва давлат институтлари ва муассасаларининг шахс камолотини шакллантириш борасидаги ҳаракатлар бирлаштирган.

Мактабдан ва дарсдан ташқари тарбиявий ишлар ўқувчилар қизиқишига суянилган ҳолатда уларнинг дарсдан бўш вақтларида ўқувини тўлдиради ва кенгайтиради. У ўқувчиларнинг муставил билим олишлари услубини билим юртидаги пайтида катта ҳаётга кўрадилар, балки ана шу ҳақиқат билан яшайдилар. Зарур, қизиқарли, тўлақонли, болалр ва уларнинг хусусиятларига мос ҳаёт иқлимини яратиш, меҳнат, ҳайрия, ижтимоий-фойдали, ижодий кўнгилочар ва шунга ўхшаш, ўқувчилар хусусиятига мос, ҳаётий бўлиши керак. Улар шундай ташкил этилиши лозимки, натижада ўқувчилар ўзларини кўнгиллари тусаган ишга қўл урсинлар, муваффақият ҳиссини туйиб, ўзларига бўлган ишончлари ортсин, ахлоқан барқарор бўлсин. Шахслараро муносабатларда инсонпарварлик, педагоглар ва ўқувчилар ўртасидаги бир-бирига ҳурмат билан қараш, ўзлаштиришларига ижодий қобилиятларини, ташаббускорлигини оширишга имконият яратади. Дарсдан ташқари ишларнинг ўзига хослиги шундаки, у яшаши лозим бўлган кўп миллатли ва жаҳон маданияти бойликларига қизиқишига интилишларини инкор қилмаслик лозим.

Синфдан ташқари муסיқий тарбиянинг мақсади, иложи борича кўпроқ оммавий ва тўғаракка жалб этиб, уларни дунёқарашини ҳар томонлама ривожлантириб, бадий дидини ўстириш, табиатга, она Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини оширишдир. Мазкур мақсадларни амалга ошириш муסיқа дарсларидан ташқари, оммавий ва тўғарак ишлари олиб борилади. Синфдан ташқари муסיқа тарбиясини иккита шакли мавжуд:

1. Муסיқа тарбиясини оммавий шакли.
2. Муסיқа тарбиясининг тўғарак шакли.

Синфдан ташқари муסיқа тарбиясининг оммавий шаклида болаларни муסיқий ўқувини текширувдан ўтказмай, ялпи тарзда жалб этишни тақозо этади. Буларга кўшиқ байрамлари, муסיқа ҳафталиги, “Ўзбекистон-Ватаним маним”, “Илҳом чашмалари” кўрик танловларидан, ижодий учрашувлар,

театр ва концертларга саёҳат, “Алифбе” байрамларига, шоир ва бастакорлар билан учрашувлар киради. Аммо буларнинг ҳар бирига болаларнинг ёши, қизиқишига қараб, олдиндан тайёрлаб бориши керак. Бу тадбирларни ҳар бирини юксак бадиий дид билан ташкил этиб, амалга ошириш чинакам бадиий мусикий байрам руҳини касб этиш лозим.

Музыка ўқитувчисининг оммавий ишлар режаси, мактаб маъмурияти томонидан тасдиқланган бўлиши лозим. Оммавий, мусикий ишлар режаси, музыка ўқитувчиси ва мактаб тарбиявий ва маънавий ишлар мудирлари, мактаб етакчиси билан ҳамкорликда, ўқувчиларнинг ёшига, қизиқишига, байрамлар, учрашувлар, тадбирларни ҳисобга олган ҳолда тузилади. Бунда ўқувчиларнинг мусикий ўқуви, қобилияти ҳисобга олинади. Оммавий музыка машғулотларининг ҳар бири аниқ ишлаб чиқарилган режа асосида амалга оширилмоғи лозим. Бунда ҳар бир машғулот турига қараб, унинг асосий мақсади, хусусияти, репертуар мазмуни, мактаб имкониятлари, таклиф этилган меҳмонлар ҳисобга олиниб, ўқувчиларни ушбу ишларга жалб этилади. Тўғарак ишларини иш режасини эса, музыка ўқитувчисининг ўзи, ўз хоҳиши ва имкониятларига қараб, мустақил тарзда тузади. Ўқитувчи тўғарак ишларига ўқувчиларни мусикий қобилиятини, хоҳиш-истагини, қизиқишини, овозини текшириб танлаб олади ва шунга қараб турли хил тўғараклар тузади. Улар билан ҳафтасига 2-3 бор гуруҳларга бўлиб ишлайди. Тўғарак ишларининг асоси дарсдир. Тўғарак ишларига қобилиятли, қизиқувчан, дарсларда актив қатнашадиган ўқувчилар танлаб олинади. Дарсда ҳар бир боланинг лаёқати, қизиқиши ҳисобга олиниб, у ёки бу музыка тўғарагига жалб этилади. Тўғарак фаолиятини активлаштирадиган анрса бу мактаб сахнасидир. Ўқувчилар тадбирларда кўшиқлар, рақслар ижро этиб, мактаб жамоаси ордида эътибор қозониб, шаҳар, Республика кўрик-танловларида қатнашадилар. Бу уларни ўз меҳнатидан завқланиши, ҳис-туйғуларни она Ватанга муҳаббат, музыка санъатига ҳурмат, дўстлари орасида меҳр-муҳаббат туйғусини ошириб боради. Синфдан ташқари тарбиявий ишларда ўқитувчи ўз имкониятларига қараб, турли тўғараклар тузиши мумкин:

1. Хор.
2. ВИА.
3. Ашула ва рақс ансамбллари.
4. Вокал ансамбллари.
5. Чолғучилар ансамбллари (даторчилар, рубобчилар, доирачилар).
6. Рақс ансамбли.
7. Оркстр (дамли, халқ чолғу асбоблари оркестри).
8. Яккахон кўшиқчилар.

Мактабдан ташқари мусиқавий тарбия шаклига болалар мусиқа мактаблари, болалар ижодиёт марказлари, ўқучилар саройлари, болалар театрлари, музейлар киради.

Мазкур муассасаларга қатнашадиган болалар ҳам ўқитувчи назоратида бўлиб, мактаб мусиқа ҳаётига уларнинг фаол иштирокини таъминлаши лозим. Мактаб ҳаётида мусиқа ўқитувчисининг ўрни бекиёсдир. Мусиқа дарсларидан ташқари, замон талабига мос равишда тадбирлар тайёрлаб, ўқувчиларда санъатга бўлган қизиқишни ривожлантириш лозим.

Аҳамияти:

- а) ўқувчиларнинг бадиий эҳтиёжини қондириш;
- б) синфда олинган билим ва малакаларини бойитиш, кенгайтириш ва амалий фаолиятда қўллаш.

Мақсади: умумий мусиқа тарбиясининг ажралмас таркибий қисми алфавитда ҳар томонлама гармоник ривожланган шаклни шакллантириш. Синфдан ташқари мусиқа тарбияси системасига мактабда олиб бориладиган барча мусиқа анжуманлари: мусиқа тўғараклари ва бошқалар киради.

УМУМИЙ ХУЛОСА ВА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

Республикамиз умумий ўрта таълим мактаблари мусиқа маданияти машғулотларида ўқувчиларни мусиқа санъатига ошно этиш, уларни хорда жамоа бўлиб куйлашга ўргатишнинг назарий-педагогик асослари, услубий таъминоти, амалий ҳолатини ҳар томонлама ўрганиб куйидаги хулосаларга келдик.

1. Ўқувчи-ёшлар қалбига юксак маънавиятнинг ажралмас қисми бўлган мусиқий маданиятни шакллантириш бугунги кун давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўқувчиларнинг мусиқа маданиятини шакллантиришда ўқувчиларни жамоа бўлиб куйлашга ўргатиш муҳим ижтимоий-педагогик, таълимий-тарбиявий, ривожлантирувчи аҳамиятга эга.

2. Жамоа бўлиб хорда куйлаш жараёнида ўқувчиларнинг мусиқа соводхонлиги, шахсий сифат ва фазилатлар, мусиқий эстетик дидлари таркиб топади, маънавий, жисмоний, физиологик (ўпка, нафас олиш ва чиқариш, нутқ аппарати ва ҳ.к.), ақлий хусусиятлари ривожланади. Яъни, у таълимий – тарбиявий – ривожлантирувчи вазифаларни ўтайди.

3. Умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа маданияти машғулотларининг мазмуни, мавқсад ва вазифалари, унга қўйиладиган асосий талаблар, уни ташкил этиш шакл ва усулларининг ўзига хос хусусиятлари ҳар томонлама ишлаб чиқилган бўлсада, аммо ўқувчиларни хор синфларида кўп овозли бўлиб куйлашга ўргатиш услубияти тўлақонли ўрганилганича йўқ.

4. Умумтаълим мактаблари амалиётининг дарс ва дарслардан ташқари вақтларида ўқувчиларни хор бўлиб кўп овозли куйлашга ўргатиш ҳолати талаб даражасида деб бўлмайди. Мусиқа таълими ва тарбиясига масъул бўлган ўқитувчи-мураббий олдида бу борада бир қанча умумий ва махсус

талаблар қўйилади: методологик, умумкасбий, методик ва махсус билим, кўникма, малакаларга эга бўлиш.

5. Мусиқа маданияти дарслари аралаш дарс турига тегишли бўлиб, унга бир канча умумдидактик, хусусий, методик талаблар қўйилади (дидактик тамойилларга риоя қилиш, дарснинг ўзига хос тузилиши, уни ташкил этишнинг восита ва усуллари). Мусиқа маданияти ўқув фанининг ДТС ва ўқув дастури мазмуни ўз ичига ўқувчилар ўзлаштиришлари лозим бўлган мусиқий билим, кўникма, малакаларни, тарбиявий сифат ва фазилатлар, ривожлантириладиган қобилиятларни олади.

6. Ўқув дастури мазмунидаги мусиқий материалларни ўқувчилар йил ва чорак мавзулари асосида ташкил этиладиган дарс ва дарсдан ташқари ишларни олиб боришнинг таркибий қисми бўлган мусиқий фаолият турларида эгаллайдилар: мусиқа тинглаш, жамоа бўлиб куйлаш, мусиқа соводи, мусиқага мос ҳаракатлар қилиш, болалар мусиқа асбобларида чалиш, мусиқий ижодкорлик. Ўқувчиларнинг мусиқа маданиятлари шаклланишида ўқувчиларни жамоа бўлиб кўп овозда куйлашга ўрганишлари алоҳида ўрин тутади.

7. Мусиқа жанрлари ичида энг демократик ва оммавий хусусиятга эга бўлган тур – бу хор санъатидир. У кишиларнинг кундалик ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларни маънавий-ахлоқий, ғоявий-эстетик жиҳатдан тарбиялайди. Ўшбу жараёнда ўқувчилар ҳар томонлама тарбияланиши билан бир қаторда, халқ кўшиқлари ижодиёти дурдоналари, классик вокал-хор асарлари билан яқиндан танишадилар. Хор санъати ўқувчилар учун мусиқани тушина билиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

8. Биринчи синфдан бошлаб болаларни дарсга фаол қизиқтириш, мусиқани идрок эта олиш, яъни тушуниш, мусиқий қобилиятларини ривожлантириш, мусиқа ўқитувчиси болаларни севиши, дарсга яхши тайёргарлик кўриши, барча метод ва принциплардан тўғри фойдалана олиши,

сўз чиройли, майин, болалар овозига мослаб куйлаш мазмунини очиб бериши лозим. Ўқувчиларнинг психологик-физиологик хусусиятларига кўра, маълум даражада хотираси тўлиқ ривожланмаган, диққат-эътибори, овоз аппаратлари тўла шаклланмаганлиги сабабли, овоз пардалари нозик, кучсиз бўлади. Буни ўқитувчи ҳисобга олиши лозим.

9. Қўшиқ куйлашга ўргатиш босқичма-босқич амалга оширилади: ўқитувчининг қисқача кириш сўзи (муаллифлари, айрим тарихий хусусиятлар, ҳаётий аҳамитялар ва бошқаларни ҳикоя, суҳбат йўли билан қисқача баён этиш), қўшиқни ижро этиб ёки грам ёзувида эшиттириш, суҳбат йўли билан қўшиқнинг мусиқа характери, унинг ифода воситалари ва мазмунини аниқлаш ҳамда айрим ижро услубларини белгилаш, қўшиқни мусикали жумлаларга бўлиб ўргатиш, ижрочилик сифатлари устида ишлаш, қўшиқни ижро этиш ва қўшиқ ҳақида болалар таасуротлари юзасидан қисқача суҳбат ўтказиш, яъни умумлаштириш.

10. Учинчи синф ўқувчилари нафасини тўғри олиб жумлани охиригача ўтказишга аста-секин ўрганиб боришлари керак. Икки овозли асарларни энг оддийсини куйлай оладиган бўлишлари керак. Икки овозли куйлашга эришиш учун аввало, соф интонацияга эришиш керак, бунга овоз созлаш жараёнида эришилади. Олдин терция кенглигида икки овозли машқларни куйлаш, сўнгра бир-икки такт канон шаклида машқлар куйлаш орқали ўқувчиларни мусиқий ўқуви ривожланиб, эшитиш қобилияти ўсиб боради.

11. Бошланғич синфларда хор бўлиб қўшиқ куйлаш – жамоа фаолияти сифатида ўқувчиларни бевосита иштироки билан амалга оширилади. Қўшиқ куйлаш мураккаб психологик ва физиологик жараёндир. Бунда бош миёдаги нерв хужайралари фаол қатнашади, ўқувчиларда ижобий ҳис-туйғуларни фаоллигини таъминлайди, кўкрак қисми товуш ҳосил қилувчи аъзоларни артикуляция ва нафас органларини фаоллаштиради ҳамда ўқувчиларнинг самарали ишлашига шароит яратади.

12. Бошланғич синфларда қўшиқ ўргатиш методи қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- кўшиқ ҳақида ўқитувчининг қисқача кириш сўзи;
- кўшиқни ўқитувчи томонидан тўлиқ ижро этиб берилиши;
- кўшиқнинг мусиқий характери, унинг ифода воситалари, шакл, жанрини ўқувчилар билан биргаликда аниқлаш;
- кўшиқни мусиқий жумлаларга бўлиб ўргатиш;
- кўшиқни ижро сифатлари устида ишлаш (нафас, соф интоннация, талаффуз, динамик белгилар асосида ифодали куйлаш);
- таассуротлари юзасидан қисқача суҳбат ўтказиш, кўргазмали куруллар, яъни материаллар асосида.

13. Кўшиқларни диффекционал гуруҳларга бўлиб ўргатиш дарс самарадорлигини оширади. Мусиқий ўқуви бўш бўлган ўқувчиларни қизиқиш ва мусиқий қобилиятини янада ўстириш учун ўқувчиларни уч гуруҳга бўлиб ўтказиш лозим. Мусиқий ўқуви бўш бўлган болалар ҳар томонидан жарангдор овозларни эшитиб, уларга тақлид қилиб чиройли, соф интоннацияда куйлашга ҳаракат қиладилар. Бу ёшдаги ўқувчиларни овози ўзларига хос жуда майин ва ёқимли тембрга эга бўлади. Ўтириб ва туриб куйлаганда гавдани тўғри тутиш, нафасни сўз ўртасида олмаслик учун режага солиш, унли ва ундош товушларни тўғри талаффуз қилиш, соф интоннация устида мунтазам иш олиб боришлари лозим.

14. Тўртинчи синф ўқувчилари ўзларининг психологик-физиологик характериға кўра ҳаётий тажрибаға бой, фанларға қизиқувчан бўладилар. Диққат-эйтибори турғунлашган бўлади. Мутахассис иш олиб борган жойда эса ўқувчилар соф унисонда куйлаш, ансамбл ва кўшиқларни меъёриға етказиб, икки овозда куйлаш даражасиға эга бўладилар. 4-синфда ўқувчиларнинг овозлари жарангдор, ёқимтой, кулминацион ривожланган даври ҳисобланади. Шунинг учун, дарсда кўпроқ куйлатиш мақсадға мувофиқдир. Жиддий бўлган масалалар устида фикрлаш, ҳажм жиҳатдан каттароқ бўлган мусиқа асарларини эшитишға қодир бўладилар, мушоҳада қилиш қобилиятиға эга бўладилар.

15. Ўқувчилар синфдан-синфга ўтган сари ёш хусусиятлари ўзгариб, такомиллашиб боради. Ўларнинг вокал-хор кўникмалари, овоз диопозонлари, икки-уч овозда куйлаш, мусиқани тўғри идрок этиш қобилиятлари, мусиқага мос ҳаракатлар бажариш қобилиятлари ривожланиб боради. Шунга кўра улар тинглайдиган ва куйлайдиган асарлар, машқлар ҳам ранг-баранг бўлиб мураккаблашиб боради.

16. Ўқувчиларни хорда кўп овозда куйлашга ўргатиш фақат дарс жараёнида эмас, балки синфдан ва мактабдан ташқари машғулотларда ҳам амалга оширилади. Синфдан ташқари оммавий мусиқа фаолият турлари ва шаклларига маълумки қуйидагилар киради: фольклор, ашула ва ракс, чолғу ансамбллари, дуторчи, рубобчилар, доирачилар ансамбллари; ракс, яккахон, халқ чолғу ансамбллари, болалар хори ва бошқалар. Буларнинг ичида хор тугараги алоҳида аҳамиятга эга.

18. Мактабдан ташқари оммавий мусиқа тур ва шаклларига, концертларга қатнашиш, театр, болалар мусиқа ва санъат мактабларига, ижодкорлик уйларига ташриф буюришлар ҳам катта самара беради. Ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари машғулотларда, тадбирларида шахсан иштирок этишлари ёки томошабин сифатида қатнашишлари ҳам таълимий-тарбиявий таъсир кўрсатади.

20. Биз ушбу БМИда тадқиқ этилаётган муаммонинг айрим жиҳатларини ёритишга ҳаракат қилдик. Уни янада кенгроқ ва чуқурроқ ўрганиш мумкин бўлган жиҳатлари талайгина. Биздан кейинги битирувчилар улар устида қизиқарли ишлар олиб боришлари мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. И. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – 176 б.
2. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: “Шарк”, 1998.
3. Абдалова М. ва бошқалар. Муסיқа. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. 2- синф. - Т.: “Ғ. Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи”, 2008.
4. Абдалова М. ва бошқалар. Муסיқа. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. 3- синф. - Т.: “Ғ. Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи”, 2008.
5. Акбаров И.А. Муסיқа луғати. –Т.: “Ўқитувчи”, 1997.
6. Бегматов С. ва бошқалар. Муסיқа. 6-синф учун дарслик. – Т.: “Ғ. Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи”, 2008.
7. Иброҳимов О. ва бошқалар. Муסיқа. 7-синф учун дарслик. – Т.: “Ғ. Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи”, 2008.
8. Иброҳимов О. А. Ўзбек халқ муסיқа ижоди (методик тавсиялар). – Т.: 1994
9. Иброҳимов О., Нурматов Ҳ. Муסיқа. 4-синф учун дарслик. – Т.: “Ғ. Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи”, 2007.

10. Мансуров А. ва бошқалар. Мусиқа. 5-синф учун дарслик. – Т.: “Ғ. Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи”, 2005.
11. Мансуров А., Каримова Д. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф мусиқа дарслари учун методик тавсиялар. – Т.: 1997
12. Мунавваров А. К. Педагогика. – Т.: 1996
13. Мусабекова С.И. Мусиқа тарбияси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1973.
14. Очиллов М. Ўқитиш усули – педагогик технологиянинг асосий компоненти. Халқ таълими. 1999, 6-сон.
15. Нурматов Ҳ., Иброҳимов О. Олтинчи синф мусиқа дарслари учун услубий қўлланма. – Т.: 1996
16. Норхўжаев Н., Нурматов Ҳ. Мусиқа алифбоси. 1-синф учун дарслик. – Т.: “Ғ. Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи”, 2008.
17. Норхўжаев Н., Нурматов Ҳ. Мусиқа. 2-синф учун дарслик. – Т.: “Ғ. Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи”, 2008.
18. Норхўжаев Н., Нурматов Ҳ. Мусиқа. 3-синф учун дарслик. – Т.: “Ғ. Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи”, 2008.
19. Омонуллаев Д. Мактабда мусиқа тарбияси методикаси. – Т.: 1991
20. Омонуллаев Д., Нурматов Ҳ., Мамриров Қ. Умумий ўрта таълимнинг ДТС ва ўқув дастури. Мусиқа маданияти. – Т.: “Ўқитувчи”, 2008
21. Омонуллаев Д. Мактабда мусиқа тарихи. – Т.: “Ўқитувчи”, 1981
22. Рўзиев Ш. Хоршунослик. – Т.: “Ғофур Ғулом”, 1987.
23. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технология моҳияти. Халқ таълими. 1999, 1-сон.
24. Соломонова Т. Е. Ўзбек мусиқаси тарихи. – Т.: “Ўқитувчи”, 1981.

25. Файзиева О. ва бошқ. Ўқувчиларда муסיқий нафосат тарбиясини шакллантириш йўллари. – Т.: 1992.
26. Фитрат Л. Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи. – Т.: 1993
27. Қодиров Р. Бошланғич мактабда кўп овозда куйлаш. – Т.: 1997
28. Шарипова Г. Муסיқа тарбияси методикаси фанидан ўқув дастури. – Т.: 1997
29. [www. Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz).